

А.Абдурахимов "иш"ни даставвал, қўл остидаги ходимлардан бошлади. У.Элмуратовни гўё раҳбарият қаршилик қиялпти, деган уйдирма орқали қўрқитиб, у тайинланган бош муҳандис лавозими учун 2 млн. сўм пулни пора тариқасида олади.



Ҳозирги кунда чинакам дори қайси-ю, сохтаси қайси эканини аниқлаш учун махсус лаборатория текширувисиз доришуноснинг ўзи ҳам икки-лашиб қолиши аниқ. Афсуски, замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган дорихоналарда исталган дори-дармонни топиш мумкин бўлса-да...



# Нидош

Mustaqillik huquq demakdir



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan [www.huquq-gazeta.uz](http://www.huquq-gazeta.uz)

2011-yil 2-iyun, №22 (751)

Бош прокуратурада

## Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди

Жорий йилнинг 27 май кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р.Ҳ.Қомиров раислигида навбатдаги ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Бош прокуратура таркибий тармоқларининг раҳбарлари ҳамда Жиззах ва Фарғона вилоятлари прокурорлари иштирок этдилар.

Ҳайъат мажлисида Бош прокуратура текширув гуруҳлари томонидан Жиззах ва Фарғона вилоятлари прокуратураларининг вилоятда қонунийликни мустахкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини комплекс текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Ушбу вилоятлар прокурату-

ралари органларида Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунида белгиланган вазифалар ва прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича ишларни ташкил қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилган муайян ишлар билан бир қаторда, айрим соҳаларда камчиликларга йўл қўйилган.

Мажлисида ўтказилган комплекс текшириш жараёнида аниқланган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, уларни бартараф этишнинг зарур чораларини кўриш юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Жиззах ва Фарғона вилоятлари прокурорлари олдига қонунлар ижросига, айниқса, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга бўлган муносабатни кескин ўзгартириш ва назорат фаоли-

У.МАДРАХИМОВ,  
Бош прокуратура  
бошқарма катта прокурори

ятининг самарадорлигини янада ошириш борасида қатъий талаблар қўйилди.

Бош прокуратуранинг бошқарма ва бўлимлари раҳбарларига мазкур вилоят прокуратураларида тегишли соҳалар бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш, шунингдек, ҳудудда қонунийликни мустахкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жиноятчилик ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти устидан назоратни кучайтириш топширилди.

Республика Бош прокуратураси ҳайъати прокуратура ходимларининг масъулиятини тубдан ўзгартириш, уларнинг шахсий жавобгарлигини ошириб бориш лозимлигини алоҳида таъкидлаб, қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилди.



## Бюджет муҳокамаси

Мамлакат тараққиёти ва аҳоли турмуш даражасининг мунтазам ўсиб боришида давлат томонидан ажратилаётган бюджет маблағлари муҳим аҳамият касб этади. Шу маънода бу борада давлат бюджетини назорат қилиш долзарб ҳисобланади.

Жорий йилнинг 31 май кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси томонидан ташкил этилган кенгайтирилган йилги ҳам бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланишга бағишланди. Унда депутатлар, вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2010 йилдаги ва 2011 йилнинг биринчи чорагидаги ижроси якунлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш ҳақидаги ахборот эшитилди.

Йилгилишда таъкидланганидек, 2010 йил якунларига кўра мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8,5 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 8,3 фоизга, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштиришнинг 6,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмининг 8,1 фоизга, чакана товар айланмасининг 14,7 фоизга, пуллик хизматлар ҳажмининг 10,9 фоизга ўсишига эришилган. Бу кўрсаткичларни олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларнинг натижаси дейишимиз мумкин.

Жорий йилнинг 1-чорагида ҳам Давлат бюджети тасдиқланган параметрларга мувофиқ ижро этилган. Хусусан, Давлат бюджетининг даромадлари 3 568,5 млрд. сўмини, харажатлари эса 3 526,5 млрд. сўмни ташкил этган. Давлат бюджети 42 млрд. сўм миқдорда ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,3 фоизда профит билан ижро этилди.

Юқоридагилар билан бир қаторда, ҳисобот даврларида айрим бюджет муассасаларида маблағларнинг мақсадсиз сарфланишига, уларнинг ноқонуний ишлатилиши билан боғлиқ молиявий ҳуқуқбузарликларга йўл қўйилаётганлиги, шунингдек, айрим тармоқларда бюджет ва тўлов интизомига риоя этилмаётганлиги оқибатида дебиторлик ва кредиторлик, айниқса, бюджет олдидаги боқиманда қарздорликларнинг мавжуд бўлаётганлиги муҳокамаларда депутатларнинг эътирозларига сабаб бўлди ҳамда жойларда "Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги, "Давлат бюджетини газна ижроси тўғрисида"ги ва бошқа қонунларнинг талаблари тўлиқ бажарилмаётганлиги оқибатида рўй бераётганлиги ҳам таъкидланди. Ушбу масалада тегишли вазирлик, идоралар вакиллари ахборотлари тингланди. Қизгин кечган баҳс-мунозараларда депутатлар бюджет маблағларидан самарали фойдаланиши ҳамда жойларда қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш борасида амалий тақлифларни билдирдилар.

Йилгилишда, шунингдек, Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисидаги ахборот тингланди. Бунда асосий эътибор Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 декабрдаги "Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг ижросига, пенсиялар, шунингдек, ижтимоий нафақалар, компенсация ва бошқа тўловларни тайинлаш, молиялаштириш, уларнинг тўлашини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш ҳамда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти ва тиббий-меҳнат экспертизаси хизмати фаолиятининг ташкил этилиши билан боғлиқ масалаларга қаратилди.

Тадбирда депутатлар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар муҳокама қилиниб, қўмитанинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз

## Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

2011 йил 27 май кuni Бош прокуратурада республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши мажлиси бўлиб ўтди. Унда қуйидаги масалалар:

— диний экстремистик оқимларга мойил бўлган ҳамда диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлари учун жазони ўтаб чиққан шахслар билан профилактика тадбирлари ўтказилиши устидан прокурор назорати аҳоли;

— Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ҳамда унинг таркибий тузилмалари фаолиятида фуқаролик, паспорт тизими ҳақидаги миллий қонунчилик ҳамда бу соҳадаги қонун назорати ижроси;

— қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ жазо тайинлашда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кучайтириш, шунингдек, жиноятларни квалификация қилишда қонунийликни янада таъминлаш ҳақидаги қўшма кўрсатмалар ижроси;

— фош этилмаган жиноятлар бўйича тезкор-қидирув ва дастлабки тергов, шунингдек, бу борадаги прокурор назоратининг аҳоли муҳокама қилинди.

Йилгилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан тизим асосида диний экстремистик оқимларга мансуб ва мойил бўлган, шунингдек, диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлари учун жазони ўтаб чиққан шахслар билан профилактик тадбирлар ўтказиб келинаётганлиги, "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони ижроси, дастлабки тергов жараё-

нида процессуал мажбурув чораларини қўллаш, шунингдек, жиноятларни квалификация қилиш, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллашда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси, шунингдек, фош этилмаган жиноятлар юзасидан дастлабки тергов ва тезкор-қидирув аҳолининг муҳокамаси юзасидан тергов органлари ва тезкор хизматлар ўртасида ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар таъкидлаб ўтилди.

Ўз навбатида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятидаги баъзи камчиликлар танқид остига олинди, диний экстремистик оқимларга мойил бўлган ҳамда диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятлари учун жазони ўтаб чиққан шахслар билан олиб борилаётган профилактик ишларни, Ўзбекистон Республикаси ИИБ Хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси ва унинг таркибий тузилмаларида фуқаролик соҳасидаги миллий қонунчилик ижроси, шунингдек, қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлашда ва жиноятларни квалификация қилишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши устидан маҳкамавий ҳамда прокурор назоратини такомиллаштириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Кун тартибидagi масалаларни кўриб чиқишда тегишли органларнинг мазкур соҳалар учун масъул раҳбарларининг тушунтиришлари эшитилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ушбу соҳаларда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

О.НАБИЕВ,  
Бош прокуратура бошқарма бошлиғи

# Қинғирликда барака йўқ

Жорий йилнинг ўтган даврида Самарқанда вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан валюта қимматликлари билан боғлиқ қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан тўққизта жиноят ишлари кўзга тинди. Мазкур жиноят ишлари натижасида 20 минг 695 АҚШ доллари, 200 евро, 22 минг 30 рубл ҳамма 18 млн. 979 минг 500 сўм маблағлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Хусусан, Самарқанд шаҳар "Мармар" дехқон бозорида Зафар Хусайнов Р.Хусеновга 100 АҚШ долларини 235 минг сўмга сотаётган вақтда ушланди. Унинг ёнидан 911 АҚШ доллари, 200 евро, 12 минг рубл ҳамда 2 млн. 062 минг сўм пул топилди. Суд ҳукмига кўра, Зафар Хусайновга энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдорида жарима жазоси тайинланди. Ашёвий далил сифатида олинган пуллар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Шунингдек, Самарқанд шаҳар "Темирйўл" бозори рўпарасида жойлашган, ҳозирда фаолият кўрсатмаётган бўш дўкнда Ш.Аманов фуқаро Б.Маҳмудовдан 100 АҚШ долларини 238 минг сўмга сотиб олган вақтда тадбир ишқироқчилари томонидан кўлга олинди. Ундан яна 833 АҚШ доллари, 9830 рубл ва 8 млн. 045 минг сўм пул ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Валюта қимматликлари билан боғлиқ юқоридаги каби қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан кўзатирилган маъмурий ишлар натижасида 7 минг 452 АҚШ доллари, 3 минг 580 рубл, 500 тенге ҳамда 15 млн. 739 минг 200 сўм пул маблағлари ашёвий далил сифатида олинди.

Шундан 13 нафар шахс суд қарори билан маъмурий жавобгарликка тортилиб, 5020 доллар, 1580 рубл ҳамда 12 млн. 430 минг 700 сўм ашёвий далил сифатида олинган пул маблағлари давлат даромадига ўтказилди.

"Жомбой дехқон бозори"да ўтказилган тадбирда жомбойлик К.Мирҳомидов фуқаро У.Шариповдан қонунга хилоф равишда 100 АҚШ долларини 232 минг сўмга сотиб олаётган вақтда тезкор гуруҳ томонидан ушланди. Ушбу ҳолат юзасидан К.Мирҳомидовга энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баробари миқ-

**Бахтиёр Муртазаев,**  
Самарқанд вилоят  
прокуратураси бўлим  
прокурори  
**Дўстбек Сулаймонов,**  
«Нидоқ»

дорида, яъни 198 минг 940 сўм жарима жазоси қўлланилди. Ундан ашёвий далил сифатида олиб қўйилган пуллар давлат даромадига ўтказилди.

Бундан ташқари, Самарқанд тумани "Каттақўрғонариқ" қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли "Арабхона" маҳалласи марказида жойлашган савдо шохобчасида М.Қодирова фуқаро А.Мухторовга 210 АҚШ долларини 508 минг 200 сўмга сотган вақтда ушланди. Шунингдек, шохобча кўздан кечирилганда, М.Қодирова тегишли 2432 доллар ва 2000 рубл ва 3 млн. 308 минг 500 сўм пул ашёвий далил сифатида олиниб, тегишли тартибда расмийлаштирилди.

Мазкур ҳолат юзасидан М.Қодировага нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш кўзга тинди.

Валюта олди-сотдсини даромад манбаи деб ҳисоблайдиганлар охироскибат қонун олдида жавоб берадилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги "Кам таъминланган оилаларни иқтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида", 1996 йил 10 декабрдаги "Болали оилаларни иқтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорларнинг қабул қилиниши замирида аввало инсон манфаатлари мужассам.

# Нафақанинг ҳақиқий эгаси ким?

Мазкур қарорлар ижросини тўлиқ таъминлаш, ҳақиқатда иқтимоий ҳимояга муҳтож қатламни аниқлашда маҳалла, ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига алоҳида масъулият оқлади. Бинобарин, маҳалла ҳар бир оиланинг иқтисодий аҳоли, маънавий муҳитини биладиган иқтимоий институт сифатида эътироф этилади.

Туман прокуратураси томонидан ўтказилган мониторинг таҳлилида масаланинг ушбу ҳолатига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг апрель ойи ҳолатида тумандаги 74 та қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида моддий ёрдам тайинлашни сўраб 171 та ариза тушган. 169 та ариза қаноатлантирилиб, 2 таси рад этилган. 824 та оилага 61 млн. 472 минг сўмлик нафақа тайинланиб, молиялаштирилган. Шунингдек, туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда қонунбузулиши ҳолатлари ҳам аниқланган.

Жумладан, "Улфатбиби" қишлоқ фуқаролар йиғинига 16 (18) ёшгача болалар бўлган оилалардан 324 та ариза тушган. Шундан 318 та муножа ҳақиқатсиз қўрилган, 6 таси ишчи гуруҳ қаноатлантирилиб, 6 таси ишчи гуруҳ қаноатлантирилган. 17 та ариза қаноатлантирилган, 2 таси рад этилган. 824 та оилага 61 млн. 472 минг сўмлик нафақа тайинланиб, молиялаштирилган. Шунингдек, туман прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда қонунбузулиши ҳолатлари ҳам аниқланган.

Чўғолонболо қишлоғида яшовчи Г.Норова, О.Жумаева, "Армежан" қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи З.Исроилова каби ўнлаб фуқароларнинг нафақа олиш бўйича ҳужжатлари тўлиқ ўрганилмай туриб, қонунга хилоф тарзда нафақа тайинланган.

Вазирлар Маҳкамасининг "Воғга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғри-

**Насим АХМЕДОВ,**  
Ғиждуvon туман прокурори  
**Моҳира ШАКАРОВА,** журналист

сида" Қонунининг 6-бандида "...фуқаролар ёки комиссиялар нафақаларни тайинлашда ва тўлашда қатта ёшдаги меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида боқимандаликка, ўзининг иқтисодий фаоллиги ҳисобига эмас, балки давлат ёрдами ҳисобига яшаган интизомга йўл қўймасликка амал қилиш"лари лозимлиги белгилаб қўйилган. Аммо "Ф.Юнусов" ҚФЙ мутасаддилари фуқаро Д.Шароповга нафақа тайинлашда Низом талабини четлаб ўтишгани ажабланишни хоҳларди.

Текшириш натижаларига кўра аниқланган қонунбузулишларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш лозимлиги ҳақида тумандаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари номига 182 та тақдимнома киритилиб, 4 та ноқонуний қарорларга нисбатан протест келтирилди. 23 нафар шахсга нисбатан интизомий жавобгарликка доир, 1 та жиноят иши кўзга тинди. Албатта, қонун ҳар қандай қонунбузулиши ҳолатига нисбатан мурокасиз. Бироқ, масаланинг бошқа жиҳатини ҳам унутмаслик керак. Нафақа ёхуд моддий ёрдам пулларига маҳтал касалманд, ёлғиз, еш болали оилаларнинг аҳоли-чи? Бу каби қонунбузулиши ҳолатига, бепарволикка йўл қўйган мутасаддилар бу ҳақида ўйлаб кўришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

# Бепарволикми ёки...

Инсон бирор ишга қўл ураб экан, албатта, кўзлаган мақсадига эришишни истайди. Аммо гоҳида билиб-билмай, гоҳида эса имкониятларни ҳисобга олмаб қилинган ҳаракат ўйланган натижани бермайди. С.Адилова Қибрай туманида жойлашган 38-болалар бoғчасини сотиб олиш ҳақида қарорга келганида аввало, ҳам ўзига, ҳам жамиятга наф келтиришни ўйлаган бўлиши шубҳасиз. Шундай экан, ҳар қандай ишга киришишдан олдин уни ҳар тарафлама ўйлаб кўриш, зиммага олинган мажбурият ҳамма унинг ортдан юзига келиши мумкин бўлган ижобий ва салбий ҳолатларни ҳам ёллан чиқармаслик зарур.

**Дамира ХАМЗИНА,**  
Тошкент вилоят прокуратураси бўлим прокурори

қонунбузулишига йўл қўйилганлиги аниқланган. Хусусан, Давлат Мулк қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси билан фуқаро С.Адилова ўртасида 2001 йилнинг 10 май куни тузилган олди-сотди шартномаси шартларига кўра, С.Адилова бoғча биносини инвестиция киритиш эвазига сотиб олганлиги, бироқ мазкур шартнома ҳамда унга қўшимча тарзда тузилган шартномаларда кўзда тутилганидек, ўн икки ой мобайнида бoғча биносини таъмирлаш, тиббий асбоб-ускуналар ўрнатиш ҳамда 60 та иш ўринлари яратиш мақсадида 100 млн. сўм миқдорида пул маблағлари киритиш, ушбу ишлар тўлиқ амалга оширилиб, аҳолига хизмат кўрсатиш ишлари йўлга қўйилгандан кейингина мазкур объектга нисбатан эгаллик ҳуқуқини берувчи давлат ордери берилиши лозим эди. Бироқ, ўтган давр ичида С.Адилова томонидан инвестиция маблағлари киритилган бўлса-да, таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмаган, тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилмаган ва бунинг натижасида иш ўринлари ҳам яратилмаган. Фуқаролик кодексининг шартномага оид нормалари талабига кўра, шартнома шартларининг бажарилиши шартнома тузган тарафлардан бири томонидан жиддий равишда бузилса, мазкур кодекс, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Шу боис, бoғча биносини сотиб олиш юзасидан тузилган шартноманинг шартлари ҳар икки тараф томонидан жиддий бузилганлигини инобатга олиб, суд С.Адилова томонидан киритилган 102 млн. 960 минг сўм миқдоридаги инвестиция пул маблағларини давлат Мулк қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси ҳисобидан қайтариш, шунингдек, давлат ордери ҳамда олди-сотди шартномасини бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

С.Адилова зиммасидаги мажбуриятлар бажарилмасдан туриб, унга мулк ҳуқуқини берувчи давлат ордери берилганлиги ҳолати бўйича давлат Мулк қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси мансабдор шахсларига нисбатан ўш хизмат ваколатини сунистеъмом қилганликлари учун ЖКнинг 205-моддаси 1-қисми билан жиноят иши кўзга тинди.

# Сўнгги пушаймон...

**К. МАҲАМАДИЕВ,**  
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Мавлумки, ҳар қандай мол-мулкка эгалик ҳуқуқини олиш учун зачи ҳужжатларни расмийлаштириши лозим. Қумқўрғон туманида истиқомат қилувчи Ч.Маматқулов айни пайтда яшаб келаётган уй-жойини кадастр рўйхатидан ўтказиш учун ҳаракат бошлаганда бу ишлар осонлик билан битмаслигини хаёлига келтирмаган бўлса керак. Шу ниятда ҳужжат йиғишни бошлаган Ч.Маматқулов, тумандаги "Арслонбойли" ҚФЙга муножаат қилиб, томоқбасида қурилган иморатлар ҳақида маълумотнома олгач, қолган ҳужжатлар билан туман кадастр бўлимига топширади. Ҳужжатлар қўрилгач, комиссия томонидан унга далолатнома берилади. Шундан кейин Ч.Маматқулов маҳалла раисига учрашиб, уй-жойи ҳақида маълумотнома олади. Энди навбат ҚФЙ раисининг имзосига келади ва...

Нима учундир ҚФЙ раиси Х.Абдимуратов илгари ҳам унинг бир уйини рўйхатдан ўтказишда кўмаклашганини айтиб, имзолашдан бош тортиди. Ч.Маматқулов аввалги уйи икки хонали бўлиб, бунисидан эса 22 йилдан бери яшаб келаётгани, иморатлар ҳам ҳўжалик китобида қайд этилганини тушунтиришга уринса-да, раис ноқонуний дея, қўрмайди. Ч.Маматқулов кейинчалик ҳам раис қабулида бўлиб, натижа чиқаролмагач, бир йилгилишда комиссия раисини учратиб, воқеани айтиб беради. Комиссия раиси ҚФЙ раисини қақриб, нима учун ҳужжатни имзоламаётганини сўраса, у ноқонуний деб жавоб беради. Шундан кейин Ч.Маматқулов комиссия раисининг гапи билан ариза ёзиб, Х.Абдимуратовга топширади.

Январь ойи бошланганда Ч.Маматқулов яна раиснинг қабулига киради. Шароитини тушунтириб, бу уйда 22 йилдан бери яшаб кел-

лаётгани, бир эмас, тўртта ташкилот томонидан имзо қўйилиб, муҳр босилгани-ю, иш фақат Х.Абдимуратовга қараб қолганини айтганида, раис яна ўша гапни такрорлайди. Шундан кейин Ч.Маматқуловнинг қариндоши Й.Маматқуловнинг ўртага тушади. У раиснинг олдидан чиқиб, Ч.Маматқуловнинг ёнига келади. Маълум бўлишича, раис унинг илтимосини ерда қолдира олмабди ва хизмат ҳақи деяр 300 доллар сўрабди. Айтмоқчи, агар доллар тополмаса, сўмда бўлса ҳам бўлаверишини шаъма қилиб қўйибди. Ч.Маматқуловнинг бу гапни эшитиб, қай аҳволга тушгани билан бoғча қоронгу. Аммо, нима бўлганда ҳам, орадан 4 кунча вақт ўтгач, қариндошлар 700 минг сўмни қўлтиқлаганча, ҚФЙ идорасига йўл олишади. Манзилга келишгач, Й.Маматқулов пул билан ичкарига киради.

Кўп ўтмай у чиқиб келади ва ақасининг "нима бўлди?" деган саволига, раис имзо қўйиб, муҳр босганини, пулдан эса 450 минг сўмни олиб, қолганини қайтиб берганини айтиди. Айни шу пайтда тезкор ходимлар раиснинг хонасига кириб келишади...

Суд томонидан судланувчи Х.Абдимуратовнинг қилмиши кўриб чиқилиб, унга тегишли жазо тайинланди. Шу билан яна бир пораҳўрлик жиноятига барҳам берилди. Бироқ, воқеанинг кишини ўйлантирадиган жиҳати, оқу-қорани таниган, олий маълумотли, бу лавозимда ўн йилдан ошқ мuddат ишлаб келаётган, ўзига яраша ҳурмат эга бўлган Х.Абдимуратовнинг нафақа қулга айланиб, бир лаҳзада юзи шувут бўлганлигидир. Энди пушаймон бўлишдан фойда йўқ.



Жорий йилнинг 31 март куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг кенгайтирилган мажлисида қабул қилинган "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига асосан жорий йилнинг май-июнь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ўтказилиши белгиланди. Қайд этиш лозимки, мамлакатимизда ўтказилаётган барча ислохотлар таърихий равишда амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъкидлаганидек, ислохотларнинг ҳозирги босқичидаги стратегик вазифалар, аввало, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини ва бозор ислохотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғинмай, изчил ва қатъият билан боришдан иборат.

## Муносиблар маҳалла оқсоқоли бўлади

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни биринчи марта 1993 йилда қабул қилинган эди. Тараққиётимиз даражаси ва замон талабидан келиб чиққан ҳолда 1999 йилда ушбу қонун янада ривожлантирилиб, янги тахрирда қабул қилинди. 2004 йилда эса "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Бу иккала қонуннинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг ҳуқуқий механизми тўлиқ яратилди.

Табиийки, сайловни ўтказишда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва амалда қонунлари ҳуқуқий пойдевор ҳисобланади. Фуқароларнинг Бош Қонунимизда акс эттирилган сиёсий ҳуқуқларидан бири сайлаш ёки сайланиш ҳуқуқи бўлиб, унга мувофиқ, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ўзлари ёки вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларининг демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислоҳ этишда жамоат ташкилотлари, айниқса фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи бўлган маҳаллаларнинг ўрни бекиёс. Мустақилликка эришганимизнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида маҳаллаларнинг юртимиз ҳаётида тутган ўрни ва мавқеини юксалтириш, уларни янада ривожлантириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётди. Айни пайтда маҳалла раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчидак масъулиятли вазифаларга фаол фуқаролик позицияга эга, билим ва тафаккури кенг, Ватан тақдирини учун беварф бўлмаган, фидойий ҳамюртларимизнинг сайланиши маҳаллаларнинг ривожланиши, тинчлиги ва оқойишталлиги, аҳиллиги, баҳамжиҳатлигини таъминлашда муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

Президентимизнинг мутлоқ қилганда жамиятимиз равақи, давлатимизнинг эртанги тақдирини учун беварф бўлмаган ҳар қандай кишини чуқур ўйга соладиган "Ожаск маънавияти — энгилмас куч" номли китобида ҳам маҳаллаларнинг жамиятимизда тутган ўрнига алоҳида эътибор қаратилиб, "...Маҳалла бошқарувиغا бундай катта эътибор бугун мамлакатимизда сиёсатинг халқчилигиндан далолат беради. Айни пайтда у юртимизда амалга оширилаётган "Кучли давлатдан — кучли

жамият сари" деган тамойилнинг амалий ифодаси бўлиб, маънавий ҳаётимизни янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизнинг онгу тафаккурини замонвий асосда шакллантириш борасида муҳим аҳамият касб этмоқда", деб таъкидлангани ҳам бежиз эмас.

Фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари ўзлари фаолият юритаётган ҳудудда олиб борилаётган ишларининг аҳоли ва у ерда яшовчиларнинг ҳар бирини жуда яхши билгани ҳолда маҳалла ва давлат ҳаётидаги кўпгина муаммоларни мустақил ҳал этиш имкониятларига эга. Бундан ташқари, маҳаллада яшайдиган шахсга ҳеч ким маҳалла фаолларичалик аниқ баҳо бера олмайди. Шунинг учун ҳам халқимизда бежизга "Отанг маҳалла, онанг маҳалла" деб айтилмайди.

Жамиятимизда шахсининг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш энг биринчи ўринга қўйилганлиги боис ҳам аҳолининг давлат бошқарувида фаол иштирок этиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлатни бошқаришдаги ўзига хос бўлган бу миллий усули жаҳоннинг бирон-бир давлатида учрамайди.

Миллий урф-одатларимиз, қадриятларимиз, ўзигимизнинг шаклланишида қадим-қадимлардан маҳалла оқсоқолларининг кўмаги катта бўлган. Утган асрда маҳалла ролининг пасайиши ҳисобига кўпгина избратли меросларимиз унутулаётган эди. Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллийлигимизни қайтариш йўлида жуда муҳим ишлар қилинди. Шулардан бири фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкил этилганлигидир. Бугунги кунда уларга кенг ваколатлар берилди. Жумладан, маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари мустақил иш юритиши амалдаги қонунларда белгиланди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур сайлов мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим тадбирлардан бири бўлиб, сайлов жараёни очик ва ошкора рўхта, демократик тамойилларга тўлиқ мос равишда ўтказилиши керак.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун талабларига кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчиларининг сайловида демократизм, ошқоралик ва тенг сайлов ҳуқуқидан иборат бўлган сайловларнинг асосий тамойилларига қатъий риоя қилиниши шарт.

Сайловлар муқобиллик, сайлов кампаниясини ўтказишда эркинлик, сайловчилар хоҳиш-иродасининг эркин ифодаланиши таъминланган шaroитда ўтганда-

**М.ЭРМАТОВ,**  
Жиззах вилоят прокурори  
ўринбосари

гина демократик ҳисобланади.

Шу боис, фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида ҳам бошқа сайловлардаги каби демократик тарзда, яъни маҳалла аҳли ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, ўзини ўзи бошқариш органини шакллантириш лозим. Бундай эркин сайловлар орқали нафақат ўзини ўзи бошқариш органи шаклланади, шу билан бирга, фуқаролар йиғини, айниқса, сайлов орқали вазифасини бажаришга қирришган раис (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчиларининг жамият олдидagi масъулияти ҳам ошади.

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш бошқа сайловларимиздаги каби очик-ошқора ўтиши учун барча ҳуқуқий меъёрлар мавжуд.

"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига кўра, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ташкил этилаётганда ҳамда ўтказилаётганда фуқаролар йиғини ўтказиладиган кун, вақт ва жой тўғрисида фуқаролар камиди 5 кун олдин хабардор этилади, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари вазифасига қўрастилган номзодлардан, овоз бериш яқунларидан воқиф қилинади. Ошқоралик принципни рўёбга чиқаришнинг иккинчи томони шундан иборатки, оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик жараёни ҳамда сайлов ҳақидаги тўлиқ маълумотларни аҳолига ўз вақтида etkaziши зарур.

Маълумки, тенг сайлов ҳуқуқи деганда тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқаролар жинси, irqий ҳамда миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ҳамда ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, сайловда тенг иштирок этиши тушунилади. Ана шу тамойил асосида ўтказиладиган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловида тенг сайлов ҳуқуқи тамойилини рўёбга чиқаришнинг қонун таъкилламайди. Ҳар ўзига хос бўлган яна бир усули шундан иборатки, бунда фуқаролар ўзларининг вакиллари орқали сайловда билвосита иштирок этишлари. Қонуннинг 6-моддасига биноан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари фуқаролар йиғини томонидан ёки фуқаролар вакиллари йиғилиши томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

[Давоми 5-бетда]

## Ватан олдидаги бурчимиз

Юртбошимиз Ислам Каримов айтганларидек, "Бизнинг бозор муносабатларига ўтиш моделимиз — Республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини, анъаналар, урф-одатлар, турмуш тарзини ҳар томонлама ҳисобга олишга, ўтмишдаги иқтисодий бир ёқлама, бесўнақай ривожлантиришнинг муҳим меросига барҳам беришга асосланади".

**Илхом ҒРИЕВ,**  
СВОЖОДЛИҚ Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи

Маълумки, бозор иқтисодиётининг моҳияти ҳар бир фуқаронинг ижодий ва меҳнат фаолиятини такомиллаштириш, боқимандаликка хотима бериш, ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш, мулкка эгаллик туйғусини кучайтиради. Шунингдек, ишлаб чиқаришни истеъмолчи манфаатига бўйсундириш, уларнинг махсулотга бўлган талабини аниқ ҳисобга олиб, шунга яраша теълик билан иш тутиш, ҳўжалиқда тежамкорликка эришиш, харажатларни камайитириш, талон-торож ва суиистеъмолчиликка қарши курашиш, фан-техниканинг сўнгги ютуқларини дадил ва ғайрат билан амалиётга жорий этишдан иборат.

Жаҳон таърибаси шуни кўрсатадики, тадбиркорлик фаолияти яхши ҳуқуқий база мавжуд бўлган тақдирда ҳам, мақбул шaroит мавжуд бўлмаса, етарли даражада ривожланиб қолмайди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир шaroитда юртимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 2009 йилга нисбатан 2010 йилда 8,1 фоизга ўсганлиги, экспортнинг умумий ҳажми 10,8 фоиз, ташқи савдо балансининг сальдоси эса 1,8 баробар ошганлиги жаҳоннинг нуфузли молия институтлари томонидан юқори баҳоланди. Бу эса амалга оширилаётган ислохотлар натижасида мамлакатда тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқий базасининг яратилганлиги билан бир қаторда, мақбул шaroитлар ҳам мавжуд эканлигини кўрсатади.

Президент Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида сўзлаган нутқида ва 2011 йил 7 февралдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурида қайд этилган йўналишларни амалга ошириш ҳар бир давлат органлари олдига катта масъулият юқлайди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида 2011 йил 5 февраль куни ўтказилган ҳайбат мажлисида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган қонунлар, Президент Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорларининг аниқ ва сўзсиз бажарилиши устидан прокурорлик назоратини кучайтириш прокуратура органларининг стратегик мақсади эканлиги кўрсатиб ўтилди.

Шунингдек, назорат фаолиятини амалга оширишда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларининг самарали ҳимоясини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг энг муҳим устувор вазифаларидан бири эканлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молия-ҳўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашув иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича давлат сиёсатида зид хатти-ҳаракат сифатида баҳоланади, бундайларга нисбатан қонунда белгиланган жавобгарлик чораларини қўллаш белгиланган.

Тадбиркорлик соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда жиноят иши кўзгагиб, фуқароларимизни жинсий жавобгарликка тортиш масаланинг ечими эмас, албатта. Профилактик тадбирларни ривожлантириш, ҳар бир муаммони чуқур таҳлил қилиш, ҳал этиш йўллариини топиш, унинг истисқоболлари ҳақида ўйлаш бугунги кун талабидир. Халқаро майдондаги сиёсий тўқнашувлар тағида иқтисодий манфаатлар ётганлигига яна бир бор эътибор қаратиб, мамлакатда тинчликни сақлаш, халқимизнинг яшаш фаровонлигини ошириш, миллий ҳавфсизлигимизнинг ўзаги бўлган иқтисодий ҳавфсизликни таъминлаш давлат органларининг зиммасида катта мажбурият эканлигини унутмаслигимиз керак. Давлат ва унинг органлари халқ манфаатлари йўлида фаолият юритадиган, халқ томонидан сайланган ёки унинг вакиллари орқали тайинланган тизим маҳмуасидир.

Президентимиз томонидан қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларини текшириши янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳам фикримизнинг далилидир.

Жорий йилнинг ўтган даврида департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан ўтказилган профилактик тадбирлар натижасида муқаддам яширин ишлаб чиқариш фаолиятини юритган ҳолатлар бўйича 1 та ҳўжалик юритувчи ва иккита яқка тартибдаги тадбиркорлик субъектлари аниқланиб, солиқ тўловчилар сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди ва ушбу субъектларга 10 нафар фуқаролар ишга жойлаштирилди.

Жумладан, фуқаро Р.Акбаровга у шуғулланиб келаётган фаолият билан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳолда амалга оширилиши бўйича тушунтириш ишлари олтиб бўрилиб, кўрсатилган амалий ёрдам натижасида Р.Ақбаров "Севарахон ширинликлари" хусусий корхонасини таъсис этиб, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимияти тадбиркорларни рўйхатга олиш инспекциясида рўйхатдан ўтказилди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда ташкил этилган тадбиркорлик тизимини ривожлантириш учун барча зарурий чора-тадбирлар қўрилмоқда. Бу эса ўз навбатида товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишни янада ривожлантириб боришга, шу асосда бозорни турли моллар билан тўлдирिशга, аҳоли турмуш тарзининг яхшилланишига олиб келади.



# Кони зарар текширувлар

**Ҳар қандай соҳада ишни назорат қилиб, тажрибасизлик ёки бошқа сабабларга кўра янглиш йўлдан бораётган кишиларга қонун доирасида кўмаклашиш, маслаҳат бериш, умумий ишимизнинг жадал суръатлар билан ривож топишига имконият яратилади. Бироқ, тўғри йўлдан бораётган ва ўзининг бизнес режаси ёки тадбиркорлик фаолиятини намунали ташкил этаётган тадбиркорларнинг ишига бўлар-бўлмас аралашив, ноқонуний текширишлар эса ишнинг маромини бузиб, унга тўсиқ бўлади, холос.**

Қашқадарё вилоят прокуратурасининг 2011 йил биринчи ярми учун белгиланган иш режасига кўра, қўлланилган ҳуқуқий таъсир чораларининг қонунийлигини ўрганиш юзасидан ўтказилган текширувда айрим назорат идораларининг фаолиятида бир қатор хато ва камчиликларга йўл қўйилаётгани аниқланди.

Жумладан, вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасига ўтган йил давомида ва 2011 йилнинг ўтган 3 ойи мобайнида истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиш ҳолатлари юзасидан 73 та мурожаат келиб тушган бўлиб, уларнинг 35 тасини савдо ва умумий овқатланиш, 28 тасини коммунал, 2 тасини транспорт ва алоқа ҳамда 5 тасини бошқа соҳаларга оид мурожаатларни ташкил этган.

Худудий бошқарма томонидан истеъмолчиларнинг мурожаатлари эътиборсиз қолдирилмай қонунийлик таъминланган бўлса-да, бизнесини йўлга қўйишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига уларнинг йўлга тўсиқ бўлиш каби ноҳуш ҳолатлар кўзга ташланади.

Масалан, Косон туманида яшовчи Ж.Сунонов "Неъмат бобо" кўп тармоқли ишлаб чиқариш ва савдо хусусий фирмасига қарашли бўлган ёнилғи қўйиш шохобчасида бензин ёнилғисига конденсат маҳсулотлари аралаштириб сотилаётганлиги юзасидан шикоят қилган. Шунга кўра, бошқарма бўлим бошлиғи П.Нуриллаев

назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш руҳатини олмасдан ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасининг текшириш ёки мониторинг ўтказиш тўғрисидаги буйруғисиз мазкур фирма фаолиятига ноқонуний аралашган.

Бошқарма ходимлари томонидан Қарши шаҳридаги "Экспресс-Насаф" ҳамда "Ойнури фарм" масъулияти чекланган жамиятида, Нишон туманидаги "Хусан ўғли Мазруфжон" хусусий савдо фирмасида ва яққа тартибдаги тадбиркор И.Хасанов, И.Раҳмонов ҳамда бошқаларнинг фаолиятлари юзасидан ўтказилган текширув ва мониторингларда ҳам ана шундай ноқонуний аралашув ҳолатлари содир этилган.

Бундай ноқонуний қилмишлар учун бошқарма бўлим бошлиғи Нуриллаев, бош мутахассис Бердиев ва мутахассис Худойбердиевлар қонун олдида жавоб беришлари тайин. Лекин мазкур бошқарма бошлиғи А.Рустамов ўз ходимларига кўра-била туриб шундай топшириқ берганимкин ёки бу ерда бошқа сабаблар ҳам борми? Буни қандай тушуниш керак? Албатта, бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида тегишли чоралар қўрилмоқда. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликлари имкон қадар кенгайтирилаётган бир пайтда айрим назорат органларига мансуб мансабдорлар малакаларининг сезилмиш туфайли тадбиркорликнинг ривожига салбий таъсир кўрсатиб келмоқдалар. Бундай ҳолатни вилоят Ер

ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий тизимлари фаолиятида ҳам яққол қўришимиз мумкин. Мана бир мисол: Косон туман ҳокимининг 2010 йил 6 ноябрдаги 1189-сонли ноқонуний қарорини билан "Муҳаммад ўғли Тош" номли фермер ҳўжалигига қарашли 68 гектар ер майдони фермер ҳўжалиғи раҳбарининг розилигисиз, ўзбошимчилик билан "Элмуроджон Суюн бобо" фермер ҳўжалиғи ерларига қўшиб берилган ва "Муҳаммад ўғли Тош" фермер ҳўжалиғи фаолиятининг тўхтатилишига сабаб бўлган. Бундан жабр кўрган Ф.Тошев Ер ресурслари ва давлат кадастри туман бўлимига кўп марта мурожаат қилишига қарамай бўлим томонидан мазкур ҳолатга ўз вақтида муносабат билдирилмаган. Фақатгина туман прокуратураси томонидан киритилган протестдан кейин мазкур қарор бекор қилиниб, жавобгарларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

Бундай камчиликлар Касби, Миришкор, Нишон, Гузор, Чирчиқ ва Китоб туманларида ҳам мавжуд.

Ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги худудий бўлимлари мутасаддиларининг асоссиз хулосаларига таянган айрим маҳаллий ҳокимиятлар томонидан баъзи тадбиркорларнинг фаолияти тўхтатиб қўйилаётганлиги ҳам умумий ишимизга жиддий тўсиқ бўлмоқда.

Хусусан, Қарши шаҳар ҳокимининг 2010 йил 21 декабрда қабул қилинган қарори билан шаҳардаги "Чилонзор парранда" корхонасининг 9,090 квадрат метр ери "Қуриш" масъулияти чекланган жамиятига мутлоқ асоссиз равишда олиб берилгани ҳам фикримизнинг далилидир.

Ай бўлмаса, Нишон туманида 2011 йил пахта ҳосили учун мавжуд 610 та фермер ҳўжалиғига қарашли ерлар-

**Отабек БОБОДУСТОВ,**  
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи  
**Норбўта ҲОЗИЕВ,**  
«Huquq»

нинг 21 минг 850 гектарида "Бухоро-6", "Бухоро-8" ва бошқа янги навларни етиштириш режалаштирилгани ҳолда, туман ҳокимининг қарорини билан барча фермер ҳўжаликлари зиммасига қўшимча ерларга чигит экиш вазифаси юклатилиб, уларнинг фаолиятига ноқонуний равишда аралашилган ва фермерларга қўшимча мажбуриятлар юклатилган.

Аниқланган ана шундай қонунбузилиши ҳолатлари бўйича Қарши шаҳри, Нишон, Миришкор, Косон, Яққабод, Муборак ва Камаш туман ҳокимларининг асоссиз қарорларига нисбатан мазкур шаҳар ва туман прокуратураларининг протестлари асосида тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларнинг ҳуқуқлари химоя қилинди.

Шунингдек, Муборак ва Косон туманларида фаолият кўрсатиб келаётган "Ақмал", "Жони бобо", "Элёржон", "Олтин бошқ", "Султон Ойтуғдиев", "Уста Матти бобо", "Ғиёсжон", "Хосилот" ва бошқа (жами 12 та) масъулияти чекланган жамиятларида асоссиз текширувлар ўтказилган ва мазкур корхоналар фаолиятига ноқонуний тарзда аралашилганлигини қандай баҳолаш керак?

Жойларда тадбиркорлик билан шуғулланишга бел боғланган субъектларни рўйхатга олиш масаласида ҳам бир қатор чигалликлар бор. Жумладан, "Бисёр универсал баракка" хусусий корхонаси, "Сардоба универсал савдо" ва "Жайхун универсал бизнес" масъулияти чекланган жамиятлари ҳамда бир қатор яққа тартибда иш юритувчи фуқаролар 2010 йил 6 январда давлат рўйхатида ўтказилган ва бу ҳақда Давлат солиқ инспекцияси, статис-

тика бошқармаси, ички ишлар бўлимига тегишли тартибда хабар қилинган бўлса-да, Қарши шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси мутахассислари Ш.Қодиров ва Н.Каримовлар мазкур тадбиркорларнинг иш бошлашига тўсиқлик қилганлар. Шу сабабли жорий йилнинг 5 февралда мазкур мутасадди ходимларга нисбатан вилоят прокуратураси томонидан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Қонунбузарликнинг бундай қўриқилари вилоятнинг Нишон, Касби, Деҳқонобод, Гузор, Чирчиқ, Шаҳрисаб ва Китоб туманлари ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияларининг фаолиятида ҳам кўзга ташланади.

Вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва унинг худудий бўлимлари, Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази, Қарши шаҳар статистика бўлими ва бошқа нуфузли ташкилотларнинг мутасадди ходимлари фаолиятида ҳам ана шундай ўзибўларчилик ва эътиборсизлик каби ҳолатлар мавжуд.

Ўтказилган текширишлар натижасига кўра, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан вилоят прокуратураси томонидан 42 та протест келтирилди. Қонунбузарликни бартараф этиш борасида 7 та тақдимнома киритилиб, 49 нафар шахс расман оғохлантирилди. 22 нафар шахсга нисбатан интизомий, 6 нафарига маъмурий жавобгарлик бўйича ҳамда кўпол қонунбузилишлари юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилди.

Ўйлаймики, мазкур текшириш натижалари ўз самарасини беради ва қўрилган чоратадбирлардан тўғри хулоса чиқарган мансабдор шахслар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг йўлга тўсиқ бўлувчи ҳар қандай ғайриқонуний фаолият ва қони зарар текширувларни чеклашга ва мазкур соҳалар ривожини тезлаштига имкониятлар яратиб берадилар.

## Жонадонимизда фарзанд улғаймоқда

**Фарзанд тарбияси ҳамма замоналарда ҳам улкан аҳамиятга молик масала ҳисобланган. Зеро, бугун жонадонимизда вояга етаётган болакай эрта-юш жамиятининг фуқаросига айланади. Демак, фарзанд фақатгина бизнинг боламиз эмас, у давлатнинг эртаси, келажак эгаси. Бугунги давр фарзанд тарбиясига шу нуқтаи назардан ёндашишни талаб қилмоқда.**

Мамаклатимиз мустақиллигининг илк йиллариданоқ ёш авлодга таълим ва тарбия бериш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Қатор қонулар ва қонуноти ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, дастурлар қабул қилинди. Айни пайтда уларнинг ижросини таъминлаш ҳам катта масъулият талаб қилади.

Туманимизда 164,6 минг аҳоли истикомат қилиб, шундан 62 минг нафарини вояга етмаганлар ташкил қиладди. Урганч туман прокуратураси томонидан вояга етмаганларнинг қаровисизлиги, улар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка қарши кураш борасида муайян ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Йилнинг ўтган даврида туман прокуратураси томонидан вояга етмаганларга оид қонунлар ижроси юзасидан 5 та текшириш ўтказилди. Натижасига кўра, 16 та интизомий жавоб-

гарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, қонунбузилишларга сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этиш ҳақида 12 та тақдимнома келтирилди. Шунингдек, кўпол қонунбузилишлар юзасидан 7 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 6 нафар шахсга нисбатан оғохлантириш эълон қилинди.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда вояга етмаганларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, уларнинг жиноят йўлига кириб кетишининг олдини олиш мақсадида жойларда турли маданий тадбирлар ва спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда уюштирилган "Одам савдосига қарши курашайлик!" мавзусидаги учрашувлар, "Сиз қонунни била-сизми?", "Аждодлар мероси — келажак пойдевори", "Биз ғиёвандликка қаршимиз" мавзуларидаги кўрик-танловлар нафақат ёш авлодининг бўш вақтларини мазмунли ўтказишига, балки уларнинг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлашга ҳам йўналтирилди.

Прокуратура ташаббуси билан ўтказилаётган спорт мусобақалари қўллаб-қўувчи ёшларни қамраб олмақда. "Кураш спорти маликиси" оқиқ кўрик-танлови қизларимизни ҳам спорт билан фаол шуғулланишлари учун яратила-

ётган шарт-шароитларнинг ифодасидир.

Кам таъминланган оилалар фарзандларини мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёхатга олиб бориш орқали уларнинг қалбида аждодлар мероси билан фахрланиш, Ватанга муҳаббат туйғуларни мужассамлаштирилмоқда. Шунингдек таъкидлаш жоизки, вояга етмаганларнинг ижтимоий химояси бўйича текширишлар ўтказилиб, фарзандининг моддий таъминотидан бўйин товлаб келаётган 9 нафар шахсга нисбатан ЖКнинг 122-моддаси билан жиноят ишлари қўзғатилиб, алимент пулларининг ихтиёрий ундирилиши таъминланди.

Айрим таълим муассасалари мутасаддилари томонидан мансаб ваколатларидан фойдаланган ҳолда суиистеъмолчиликка йўл қўйилаётганлиги ҳам аниқланмоқда. Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги "Узлуқсиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида"ги қарори билан таълим муассасалари томонидан аттестация ўтказиш, педагог ва раҳбар кадрларга малака тоифасини бериш бекор қилиниб, бу вазифа Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил қилинган Давлат тест маркази ваколатига ўтказилган. Туман халқ таълими бўлими услубиёт хонасида бюд-

**Азизбек ВАҲАБОВ,**  
Урганч туман прокурори  
**Ойбек ЖУМАНИЁЗОВ,**  
«Huquq»

жет маблағларини сарф қилиниши юзасидан ўтказилган текширишда 2008-2010 йиллар мобайнида халқ таълими мансабдор шахслари мансаб ваколати доирасидан четга чиқиб, услубчиларнинг малака тоифаларини ошириш тарифификация рўйхати ва штат жадвалига киритилганликлари оқибатда давлатнинг 7 млн. 593 минг 684 сўм пули оймак маошига қўшиб тўланган. Натижада давлатга катта миқдорда зарар етказилган. Ушбу ҳолда юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ўтаётган вақт бизни энг улғу, энг азиз байрамимизга тобора яқинлаштирмоқда. Бу жарафанда вояга етмаганларга янада кўпроқ эътибор қаратиш, улар қалбида ватанпарварлик туйғуларини янада жўштириш, уларни эзгу амалларга йўналтириш тақозо қилинади. Шу билан бирга, ўқувчи ёшларнинг ёзги таътилни мазмунли ўтказишларига кўмаклашиш ҳам зиммамизга катта масъулият юклайди. Туман прокуратураси томонидан бу соҳа юзасидан ҳам тадбирлар дастури ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ижросига аллақачон киришилди.





Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф бир шеърда "Дунёда болам деб яшайди ўзбек" деб ёзган. Дарҳақиқат, дунёда бизнинг халқимиздек болажон, меҳрибон халқ бўлмас керак. Бунга тарихдан мисоллар кўп. Халқимизнинг бу фазилати айниқса Иккинчи жаҳон уруши йилларида аққол намоеён бўлди. Минглаб ўзбек oilалари бутун имкониятини, куч-гайратини фронтдаги аскарларимизни қўллаб-қувватлашга йўналтирган. Ўз фарзандларини боқишга қийналиб турган бир шариоитда жанг майдонларида Ўзбекистонга эвакуация қилинган юз минглаб болаларни қўчоғига олди. Ўзи емай едирди, ўзи киймай кийдирди. Уларга ўз боласидай таълим-тарбия берди. Семимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг "Сен ўзингсан энг сўнгги нонин, ўзи емай ўлғига тутган" деган сатрлари ана шундай фидойилар ҳақидадир.

"Ўнта бўлса, ўрни бошқа, қирқта бўлса, қилиги" дейдилар. Бу мақолда халқимизнинг болага бўлган меҳри акс этиб турибди. Ҳақиқатан ҳам шундай эмасми? Ҳар бир фарзандимизни алоҳида бир меҳр билан яхши кўрмаймизми? Шундан бўлса керак, "Болалигим подшолигим" деган гап фақат бизнинг болалар ҳақида айтилгандек туюлаверади.

Кувонарлиси шундаки, мамлакатимизда болаларга oilа ва жамиятдан ташқари давлат миқёсида ҳам чексиз ғамхўрликлар кўрсатилади. Болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари Ўзбекистон Конституцияси ва қўллаб қонунларида мустаҳкамланган. Бу борада айниқса, 2008 йил "Бола ҳуқуқларининг қафолатлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу миллий қонунчилигимизни халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқлаштириши йўлидаги муҳим қадам бўлди.

## Дунёда болам деб яшайди ўзбек

Комилжон ЮСУПОВ,  
Ҳўжайли туман прокурори  
Нуриддин ОКНАЗАРОВ,  
«Huquq»

Ҳозир туманимизда 7 та коллеж, 61 та мактаб, 24 та мактабгача таълим муассасалари, 7 та болалар ва ўсмирлар спорт клублари фаолият кўрсатмоқда. Уларда 29 минг 200 нафардан ортик ўғил-қизлар таълим-тарбия олишмоқда. Шунингдек, туман ҳудудида жойлашган Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими Вазирлиги тасарруфидаги 1-сонли "Меҳрибонлик уйи"да 113 нафар, 3-сонли "Махсус ёрдамчи мактаб интернати"да 205 нафар ва 6-сонли "Умуртқаси касал болаларни даволаш санаторий мактаб интернати"да 206 нафар вояга етмаганлар тарбияланишяпти.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ташаббуси билан тумандаги муассасаларда Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрдаги "Вояга етмаганлар ўрта-сизда назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги қарорларини

нинг мазмун-моҳиятини тушунтириш ҳамда ижросини таъминлаш юзасидан бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасида ушбу қонун талабларини ҳамда экстремизм ва терроризмнинг салбий оқибатлари, ёшларнинг ҳар хил оқимларга қириб қолмасликларининг олдини олиш мақсадида тушунтириш ишлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари билан биргаликда ташкил қилинмоқда. Айтиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 6 апрелдаги 1516-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган "Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан!" широри остидаги Дастанга мувофиқ вояга етмаганлар ўртасида "Инсон ҳуқуқлари — энг олий қадрият" мавзусида туманимизнинг барча коллеж ва мактабларида ўқувчилар ташкил этилганлиги ёшларимиз учун ибратли бўлди, десам янглишмайман. Тиббиёт ва педагогика коллежларида "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурлари бўйича ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирокида сўхбатлар уюштирилаётганлиги ҳам яхши самара бермоқда.

Ҳа, ёшлар бизнинг келажогимиз. Уларни гўё бир ниҳолга қиёслаш мумкин. Уларнинг қандай инсон бўлиб етишишисизу бизга боғлиқ. Шундай экан, бола тарбиясига мавсумий эмас, доимий эътибордаги масала сифатида қаралиши лозим.

## Муносиблар маҳалла оқсоқоли бўлади

[Давоми. Бошланиши 3-бетда]

Қонунга биноан, фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайловида 18 ёшга тўлган, сайлаш ҳуқуқига эга фуқаролар ихтиёрий иштирок этишлари ва овоз берадилар. Уларнинг хоҳиш-иродаларини эркин ифодалашларига таъсир этишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Бундан ташқари, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 9-моддасида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига амалий ёрдам кўрсатиш учун маҳаллий давлат ҳокимияти вакили органларининг қарори билан сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш мақсадида сайлов даври учун кўмаклашувчи комиссиялар тузилади.

Комиссиялар таркибига қоида тариқасида фуқаролар йиғинлари, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси вакиллари киритилиши шарт.

Ушбу кўмаклашувчи комиссия сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказиш масалалари бўйича тушунтиришлар бериб, тегишли ишчи гуруҳ фаолиятини йўналтириб бориш, сайловни ўтказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилишини ташкил қилиш, ишчи гуруҳдан туман ҳокими билан келишиш учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) номзодига доир ҳужжатларни қабул қилиш, сайловга доир ҳужжатларнинг намуналарини тасдиқлаш, ишчи гуруҳларнинг сайлов масалаларига доир ахборотларини тасвирлаш, сайлов яқунларини чиқариш ва бошқа ваколатларни амалга ошириши лозим. Мабодо фуқаролар йиғини раиси

(оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар комиссияга аъзо шахслар орасидан кўрсатилган бўлса, улар комиссия таркибидан чиқарилади.

Фуқаролар йиғини раиси лавозимига қонунда белгиланган талабларга жавоб берадиган, қоида тариқасида олий маълумотли, ташкилотчилик қобилиятига эга, сайлов кунини тегишли ҳудудда доимий яшаб турган, ҳалол, билимдон, катта ҳаётий тажрибага эга ҳамда аҳоли ўртасида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган кишилар сайланиши зарур. Шунинг учун ушбу лавозимларга катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган маҳаллада алоҳида ҳурматга эга бўлганлар номзод қилиб кўрсатилиши лозим. Фикримизча, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи раиси халқнинг қорига ярайдиган, уларни ўз орқасидан эргаштира оладиган, ҳудуддаги аҳоли билан ҳар қандай мавзуда сўхбатлашиб, ўзининг фикрини одамларга уқтира оладиган сифатларга ҳам эга бўлса, фойдадан холи бўлмасди.

Номзодларга қўйиладиган бу талабларни ҳар бир ишчи гуруҳи янада чуқурроқ таҳлил қилиб, ҳар томонлама синчиқлаб ўрганиб чиқиши лозим. Маслаҳатчилар вазифасига номзодларни эса фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) тақдим этади. Бунда айниқса, холислик ва муқобиллик тамойилларига қатъий амал қилиш лозим.

Қонун бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат ҳокимияти тизимига кирмасда-де, бироқ жойлардаги ҳокимликлар, нодавлат ташкилотлари, қолаверса, бутун жамоатчилик сайлов кампаниясида фаол иштирок этиши зарур. Бундай жиҳдий тадбирни ташкил этиш кенг тушунтириш, катта ташкилотчилик ва ғовий ишларни олиб боришни талаб этади. Маҳаллага ким бош бўлиши

кераклиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда у ерда яшовчи ҳар бир киши бепарқ бўлмаслиги керак.

Фуқаролар йиғини раиси вазифасига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда яшовчи аҳолининг фикрини ҳисобга олган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари лавозимига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчиларини сайлаш очик ёки яширин овоз бериш орқали амалга оширилади. Сайловнинг у ёки бу шакли фуқаролар йиғини томонидан очик овоз бериш орқали қабул қилинади.

Сайлов очик овоз бериш йўли билан ўтказилаётганда, ҳар бир номзод учун таклифларнинг келиб тушиш тартибига қараб қўл кўтариб овоз берилади. Яширин овоз бериш орқали ўтказилаётганда эса, сайлов иштирокчиларига санок комиссияси томонидан овоз бериш орқали бюллетенлар тарқатилади. Бюллетенга номзодларнинг фамилияси, исми, отасининг исми алифбо тартибда киритилади.

Сайловдаги овоз бериш натижаларини аниқлаш учун фуқаролар йиғини томонидан қамида 3 кишидан иборат санок комиссияси сайланади. Овозлар санок комиссияси томонидан ҳар бир номзод учун алоҳида санаб чиқилиб, бу тўғрисида баённома тузилиб, санок комиссияси раиси ва аъзолари имзо чеккач, комиссия раиси томонидан ўқиб эшиттирилади ва фуқаролар йиғини томонидан тасдиқланади.

Сайловларга пухта тайёргарлик кўриш билан боғлиқ ташкилий ишларни ўз вақтида бир маромда амалга ошириш сайловнинг муваффақиятли ўтишига имкон яратди. Ўз навбатида, сайловчи ва сайланувчи юртдошларимиз сайловда фаол иштирок этиш, ўз хоҳиш-истакларини ифода этишга

ўзаро ҳурмат, баҳамжиҳатлик, бағрикенглик билан ёндашишга бораётган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада эркинлаштириш жараёнига муносиб ҳисса қўшишлари ҳам ватанпарварлик намунасидир. Зеро, мазкур сайлов жараёни жамиятимизни ислоҳ этиш ва мамлакатимиз тараққиётини юксалтириш жараёнида алоҳида босқич бўлиб қолиши турган гап.

Табиики, мазкур сайловларда ортирилмаган тажриба, илгари сурилмаган илғор ғоялар Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасида таъкидланган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги ва "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларида тегишли ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш учун ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Энг асосийси, маҳаллада ўтаётган сайлов демократик руҳда ўтказилса, маҳалла раиси ва унинг маслаҳатчилари лавозимларига элнинг қорига ярайдиган, ҳурматида сазовор бўлган фуқароларимиз сайланса ва жамиятимизнинг бошқаришининг асосий бўлини бўлган маҳалла ядроси қанча мустаҳкамланса, олдinda турган улғувроқ вазибаларни бажаришда қийинчилик туғилмайди. Фикримизча, сайланган маҳалла оқсоқоли ўз ҳудудининг ҳақиқий эгаси бўлиши керак. Унинг билими, фикрлаш доираси қанча оқори бўлса, салоҳияти, нуфузи шунча юксак бўлади. Ватан шаънини, халқ нафаятини ҳамма нарсадан оқори билган ва шу йўлда ўзи ибрат бўлаётганларнинг маҳалла дарғаси бўлишига муносиб қўрилиши ҳаёт тақозосидир.



# Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини аниқлаш мезонларини такомиллаштириш муаммолари

**2011 йилнинг мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини янги, янада юксак босқичга кўтариш мақсадида, "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинган соҳа вакилларига ўз имкониятларидан янада самаралироқ фойдаланишга замин яратди. Шу ўринда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кенг йўл очиб бериш ва уларни рағбатлантириш билан бирга уларни аниқлаш мезонларини такомиллаштириш лозим. Шундангина, кичик бизнес субъектлари учун белгиланган кафолат ва имтиёзлардан тегишли субъектлар фойдаланишига ва кичик бизнес фаолиятини ривожлантиришга қаратилган маблағларнинг мақсадли ишлатилишига эришилади.**

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари турли хил асосларда таснифланади. Тадбиркорлик фаолияти субъектларини уларнинг ташкилий ҳуқуқий шаклига кўра, улар ёллаб ишлатаётган ходимларнинг сонига, тадбиркорлик фаолияти турига, тадбиркорлик фаолиятини яққа ўзи ёки жамоа бўлиб амалга оширишига қараб таснифлаш мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари фаолият тури ва ишловчилар сонига қараб кичик бизнес, йirik бизнес субъектлари ва бу иккаласига қирмайдиган одатдаги корхоналар (умумий режимида)га таснифланади.

Кичик бизнес субъектларини аниқлашнинг жаҳон тажрибасида турли хил мезонлари мавжуд. Унга кўра, кичик бизнес субъектлари ишловчилар сонини, устав капитали, активлари миқдорига қараб белгиланади. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кичик бизнес субъектлари фаолият соҳаси ва ушбу соҳада ишловчилар сонига қараб белгиланади.

1998 йил 9 апрелдаги "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириши янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августда 3305-сонли Фармони қабул қилинди. Унга асосан "ўрта бизнес" ва "ўрта корхоналар" тушуначиси бекор қилинди ва 2004 йил 1 январдан бошлаб ўрта бизнес субъектлари ҳам кичик бизнес субъектлари қилиб белгиланди. Ўрта корхоналар кичик корхоналар қаторига қўшилди.

Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли корхона ва ташкилотларнинг табақаланиши Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги "Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириши янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 1987-сонли Фармонига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 3305-сонли Фармонига ҳамда кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли корхона ва ташкилотларнинг таснифлашига қарата Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 11 октябрда қабул қилинган "Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларига тегишли бўлган корхоналар ва ташкилотлар классификациясини тасдиқлаш тўғрисида"ги 439-сонли қарорига мувофиқ белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси "Тадбиркорлик фаолияти эркинликлари кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни

ризида"ги Қонуннинг 5-моддасига биноан: яққа тартибдаги тадбиркорлар;

ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан йилгирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва бошқа ноишлаб чиқариш тармоқларидаги банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи ва чакана савдо ҳамда умумий оқватланиш тармоқларидаги банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган микрофирмалар; энгил ва озиқ-овқат саноатидаги, металлургия, қўриқ-қўриқчилик, металлургия, ёқилги-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ ҳўжалик махсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат-ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан эллик киши;

фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий оқватланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларидаги, банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан йилгирма беш киши бўлган кичик корхоналар кичик бизнес субъектлари ҳисобланади.

Демак, кичик бизнес субъектларига яққа тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар қиради. Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларнинг ўртача йиллик сони микрофирмалар ва кичик корхоналар ходимларнинг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномаси ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимлар сони, шунингдек унитар (шўъба) корхоналар, ваколатхоналар ҳамда филиалларда ишлатилганлар сони ҳам ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Бунда ходимларнинг ўртача сони Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 30 июлда рўйхатдан ўтказилган "Елланби ишлайдиганлар ва иш ҳақи статистикаси бўйича" Йўриқнома асосида ҳисоблаб чиқилади.

Фаолиятнинг бир неча турини амалга оширувчи (кўп тармоқли) юридик ва жисмоний шахслар йиллик оборот ҳажмида улushi энг кўп бўлган фаолият тури мезонлари бўйича кичик тадбиркорлик субъектларига қиради.

Микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сонини ошириб юборган тақдирда, ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун ва кейинги уч ойга улар қонун ҳужжатларида назарда

тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади.

Микрофирма ва кичик корхона Ўзбекистон Республикаси касб-хўнар коллежлари, академик лицейларнинг ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқишини тугаллаган кунидан бошлаб ўч йилдан ортқ вақт ўтмаган битирувчилари билан меҳнат шартномаси тузганда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 20 фойз оширилганда ва кичик корхоналар ўз уйида ишлатган фуқаролар (қасаначилар) билан меҳнат шартномалари тузганда, банд бўлган ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони кўпи билан 30 фойз оширилганда ҳам кичик бизнес субъекти бўлиб қолишади. Бу аввало битирувчиларни иш билан таъминлашга кўмаклашиш ва битирувчиларни ҳамда қасаначиларни иш билан таъминлашни рағбатлантириш бўлса, иккинчи тарафдан кичик бизнес субъектлари учун белгиланган яна битта имтиёз саналади.

Демак, яққа тадбиркор, микрофирма ва кичик корхоналар кичик бизнес субъектлари саналади. Хусусий корхона ҳам, маъсулияти чекланган жамият ҳам, ҳўжалик ширкатлари, ҳатто давлат корхоналари ҳам кичик корхона ёки микрофирма бўлиши мумкин. Демак, кичик хусусий корхона, кичик давлат унитар корхонаси ёки микрофирма саналадиган хусусий корхона, давлат унитар корхонаси каби кўринишлари бўлиши мумкин экан. Кичик корхона ва микрофирма бу қорхонанинг ҳажмидир.

Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес субъектларини амалдаги аниқлаш мезонлари механик талаблар бўлиб, амалиётда уларни муаммоларни келтириб чиқармоқда. Яъни кичик бизнес субъекти маконини олиш солиқ ва бошқа тўловлардан имтиёзларга эга бўлишга, шунингдек, содда-лаштирилган тартибда буғалтерия ҳисобини юритиш, ҳисобот тақдим қилиш ва ҳўжалик фаолиятини давлат органлари томонидан текширишлардан қафолатланиш каби қулайликлар яратди. Бунда, тадбиркорлик субъектлари амалдаги қонунчиликдаги ушбу энгилликларга эга бўлиш учун ходимлар сонини яшириш ёки оутсорсинг шартномалари орқали ишларни бажартириш йўли билан ҳуфиёна иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ҳоллари учрамоқда.

Бизнингча, бу каби ҳолларнинг олдини олиш мақсадида кичик бизнес субъектларини аниқлаш ва маконини беришда тадбиркорлик субъектлари иш ҳажмининг минималини ва максималини, шунингдек, муйайин тадбиркорлик фаолият турлари учун товар айланмаси миқдори ва устав капитали миқдорини, айнакса молия бозорларида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектлари учун, кичик бизнес субъектини аниқлаш мезони сифатида бериш тақиф этилади. Кичик бизнес субъектлари учун иш ҳажмининг минималини белгилаб бериш, кичик бизнес субъектлари учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш учун фаолиятда ва ташаббускорликка ундайди ҳамда самарали ва сўст субъектларга имтиёзлар беришининг олдини олиш. Иш ҳажмининг максималини ва товар айланмаси миқдорини белгилаб қўйиш ходимлар сонини яшириш орқали кичик бизнес субъекти маконидан фойдаланишининг

олдини олади. Устав капитали миқдорини белгилаб қўйиш, айнакса молия бозорларида, ходимлар сони кам, аммо устав капитали бўлган кичик бизнес субъектлари доирасини тўғри белгилаш тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар бериш ва кичик бизнес субъектларини ривожлантириш учун ажратилган маблағларни мақсадли ишлатишга хизмат қилади.

Кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг ўртача йиллик сони микрофирмалар ва кичик корхоналар ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномаси ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимлар сони ҳисобга олинган ҳолда аниқланади. Тадбиркорлик субъектлари томонидан кенг қўлланиладиган шартнома турларидан бири оутсорсинг шартномаси бўлиб, оутсорсинг шартномаси бу уставада белгиланган фаолиятни амалга оширишда фуқаролик шартномалар орқали ходимлар ёланади.

Оутсорсинг шартномалари орқали тадбиркорлик субъекти ёлланиб ишлатилган ходимлар сонини аниқлаш қийинлик туғдиради. Кичик бизнес субъектлари доирасини аниқлаш мезонларини такомиллаштириш билан фуқаролик ҳуқуқи ва меҳнат ҳуқуқи нормаларини ҳам такомиллаштириш керак бўлади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бўйича қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг яна бир жиҳати хусусий тадбиркорлик тушунчасини аниқлаштириш ҳисобланади. Хусусий тадбиркорлик тушунчасини тор ва кенг маънода тушуниш мумкин. Кенг маънода хусусий тадбиркорлик деганда, хусусий мулкка асосланган ҳолда давлатга тегишли бўлмаган субъектлар томонидан

**Омон ОҚЮЛОВ**,  
ТДЮи "Ҳўжалик ҳуқуқи ва ҳўжалик процессуал ҳуқуқи" кафедраси профессори  
**Бунёдбек ИБРАГИМОВ**,  
ўқитувчи

амалга ошириладиган тадбиркорлик тушунилади. Хусусий тадбиркорлик давлат мол-мулкни хусусийлаштириш ёки бошқа асосларда вужудга келган хусусий мулк асосида олиб борилади. Тор маънода хусусий тадбиркорлик деганда, яққа шахсининг тадбиркорлик фаолият тушунилади. Амалиётда ҳам яққа тадбиркорларга нисбатан хусусий тадбиркор атамаси қўлланиш ҳоллари кўпайди. Фикримизча, хусусий тадбиркорлик яққа тартибдаги тадбиркорлик ва жисмоний шахсларнинг амалга ошириш маъносиде юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини ва хусусий қорхонани тушуниш керак бўлади.

Президент Ислам Каримов 2010 йил 12 ноябрдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўша мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номли маърузасида "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади. Ушбу қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқишда қонуннинг 5-моддасидаги кичик бизнес субъектлари мезонларини белгилашда юқоридеги тақлиф ва мулоҳазаларни инобатга олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шунингдек, ушбу қонунда хусусий тадбиркорлик тушунчасига ҳам аниқлик киритиш лозим.

## Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рўхсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рўхсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашда қонунбузилиш, бюрократик тўсиқликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бoш прокуратураси ҳузуридаги Солик, валютасга оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қоракалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки "007" қисқа рақамга қўнғироқ қилишингиз мумкин.

№	Прокуратура органлари	Ишонч телефонлари
1.	Ўзбекистон Республикаси Бoш прокуратураси	Код: 8371 232-43-91 232-45-40
2.	Ўзбекистон Республикаси Бoш прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЦКК Департаменти	Код: 8371 233-84-20
3.	Андижон вилоят прокуратураси	Код: 8374 224-06-09
4.	Бухоро вилоят прокуратураси	Код: 8365 223-74-79
5.	Жиззах вилоят прокуратураси	Код: 8372 226-09-62
6.	Қашқадар вилоят прокуратураси	Код: 8375 221-07-82
7.	Қоракалпоғистон Республикаси прокуратураси	Код: 8361 222-26-39
8.	Навоий вилоят прокуратураси	Код: 8436 225-07-17
9.	Наманган вилоят прокуратураси	Код: 8369 226-23-02
10.	Самарқанд вилоят прокуратураси	Код: 8366 235-07-34
11.	Сирдарё вилоят прокуратураси	Код: 8367 223-38-22
12.	Сурхондарё вилоят прокуратураси	Код: 8376 223-20-36
13.	Тошкент шаҳар прокуратураси	Код: 8371 221-12-26
14.	Тошкент вилоят прокуратураси	Код: 8371 277-76-18
15.	Фарғона вилоят прокуратураси	Код: 8373 224-04-80
16.	Хор эм вилоят прокуратураси	Код: 8362 227-45-71

Бундан ташқари, фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини қундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилиниши таъминланади.  
**Ўзбекистон Республикаси Бoш прокуратураси**



# Фуқаролик процессида соддалаштирилган тартибда иш юритиш

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" номида маърузасида таъкидлаганидек, мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу — қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир.**

Дарҳақиқат, мамлакатимиз мустақилликка эришган кундан ўтган тарихан қисқа давр ичида бошқа соҳаларда бўлгани каби суд-ҳуқуқ соҳасида ҳам изчил ва босқичма-босқич ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларини, эркинликларини ва манфаатларини, шунингдек, қорхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролик суд ишларини юритишни тартибга солувчи қонунчилик асослари яратилди. 1997 йил 30 август куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик-процессуал кодексига фуқаролар ва ташкилотларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини белгилловчи нормалар мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, фуқаролик процессуал қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган ислохотлар давом эттирилиб, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланишига бўлган ҳуқуқларини амалга оширишлари учун қўшимча қулайликлар яратиш мақсадига мамлакатимиз Фуқаролик-процессуал кодексига фуқаролик ишларини ҳал қилишнинг биринчи соддалаштирилган тартибининг назарда тутувчи "Буйруқ тартибда иш юритиш" деб номланган 201-боб киритилди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳимоя қилиш билан бирга, уни самарали ва тез суръатларда амалга оширишнинг таъминлаш ҳам долзарб аҳамият касб этади. Маълумки, Фуқаролик-процессуал кодексининг 4-моддасига кўра, фуқаролик суд ишларини юритишнинг асосий вазифаларидан бири сифатида ишларни тўғри, ўз вақтида қўриб чиқиш ва ҳал этиш эътироф этилган. Бинобарин, бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларни ўз вақтида ҳимоя қилиш суд ишларини юритишни соддалаштиришга бевоқифлик бўлади. Шундай экан қонунчилигимизга буйруқ тартибда иш юритиш институтининг киритилиши низосиз ҳуқуқларни фуқаролик ишини кўзғатмасдан, ишни судда мазмунан кўрмай туриб, тез ва соддалаштирилган тартиб-

да ҳимоя қилинишига имкон яратди. Буйруқ тартибда иш юритиш институтининг амалга киритилиши муносабати билан судларда мазмунан кўриб, ҳал этиладиган ишларнинг сони камайганлиги кузатила бошлади. Масалан, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 2008 йилда мазмунан кўрилиб, ҳал қилув қарори чиқарилган ишлар сони 308 269 тани ташкил этган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 217 299 та бўлган. 2010 йилда мазмунан ҳал этилган ишлардан 262 084 таси бўйича ҳал қилув қарори чиқарилган. Суд буйруғи билан боғлиқ келиб тушган аризаларнинг сони эса аксинча ортиб бораётганлиги кузатилади. Масалан, 2008 йилда суд буйруғи билан боғлиқ аризаларнинг сони 289 093 та бўлса, ушбу кўрсаткич 2009 йилда 807 470 тани ташкил этган. 2010 йилда эса фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 1 млн. 030 мингдан зиёд суд буйруқлари чиқарилган. Юқоридагиларнинг барчаси шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тез ва соддалаштирилган тартибда ҳимоя қилиш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар самараси ҳисобланади.

Бу борада амалга оширилаётган ислохотларнинг давом эттириш, шахс ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш механизмининг самарадорлигини ошириш мақсадига айрим фуқаролик ишларини ўзига хос моддий-ҳуқуқий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартибининг жорий этиш тақозо этилмоқда. Зеро, фуқаролик процессида судьяларнинг иш юклималарини камайтириш мақсадига суд тартиб-таомилларининг соддалаштирилган процессуал шакллари ишлаб чиқиш фуқаролик процессуал қонунчиликни такомиллаштиришнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан қонунчилик ташаббуси тартибда киритилган, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 16 мартда қабул қилинган, Сенат томонидан 2011 йил 25 мартда маъқулланган ҳамда 2011 йилнинг 22 апрелдан эътиборан қучга кирган "Ўзбекистон



Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни айрим тоифадаги фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича суд буйруғини чиқариш юзасидан талаблар доирасини кенгайтиришни назарда тутувчи янги нормаларни миллий процессуал қонунчиликка киритилишига олиб келди. Мазкур қонуннинг 4-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 238<sup>2</sup>-моддасини янги 5-банд билан тўлдирди. Унга кўра, агар фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилинган бўлса, суд буйруғи чиқарилиши назарда тутилди. Шундай қилиб, эндиликда агар фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзларни ундириш ҳақидаги талаб арз қилингудек бўлса, мазкур талаб бўйича мўқдам бўлганидек, иш судда даъво тартибда мазмунан кўрилиб, ҳал қилув қарори чиқарилмасдан, масала суд буйруғи чиқариш орқали ҳал этиладиган бўлди. Таъкидлаш жоизки, шу қунгача ушбу тоифадаги фуқаролик ишлари даъво тартибда кўрилар ва уларни қўриш учун кўп вақт талаб қилинар эди. Чунки ушбу тоифадаги ишлар бўйича судьялар процессуал қонунчиликнинг умумий талабларига мувофиқ суд муҳокамасини ўтказишлари лозим эди. Бу эса ортиқча суд ҳаражатларини, шу жумладан, суд қаҳирву қоғозлари, қоғоз, ижро варақалари, почта ва бошқа харажатларни талаб этади.

Статистик маълумотларга қараганда, 2008 йилда республика бўйича фуқаролардан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қардорликни ундириш билан боғлиқ

низолар юзасидан 13093 та фуқаролик ишлари кўрилган. 2009 йилда бу кўрсаткич 30889 та ишни ташкил қилган, 2010 йилнинг 8 ойи мобайнида эса, 57469 та ишни ташкил қилган. Қайд этилган статистик маълумотлардан фуқаролик ишлари бўйича судларда мазкур тоифадаги ишлар ўсиб бораётганлиги аққол кўринади.

Шу билан бирга, фуқаролардан солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзни ундириш билан боғлиқ кўрилган ишлар бўйича юқори суд инстанцияларига деярли шикоят келтирилмаслиги ҳам мазкур тоифадаги ишларнинг низосиз эканлигини кўрсатади.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексига бу каби қўшимчанинг киритилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддаси ҳамда Солиқ кодексининг 6-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йиғимларни тўлашга доир ўз мажбуриятларини таъминлашга қаратилган.

Хорижий давлатлар қонунчилик тажрибаси шунки кўрсатадики, аксарият давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида солиқлар, йиғимлар ва давлат бюджетига мажбурий тўловлар бўйича боқимандаларни ундиришни фуқароларнинг мол-мулкига қаратиш тўғрисида талаб қўйилса, мазкур талаблар суд томонидан буйруқ чиқариш орқали ҳал этилади. Хусусан, Россия Федерацияси Фуқаролик-процессуал кодексининг 122-моддасига кўра, фуқаролардан солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий боқиманда тўловларни ундириш билан боғлиқ талаб билан арз қилинганда суд буйруғи чиқарилиши назарда тутилган. Худди шундай ҳолат бўйича суд буйруғи чиқарилиши Бельгия Республикаси ФПКнинг 394-моддасида, Озарбайжон Республикаси ФПКнинг 276-моддасида, Қозғистон Республикаси ФПКнинг 140-моддасида ҳам ўз ифодасини топган.

Фуқаролик ишларини кўриб ҳал қилишнинг соддалаштирилган усулларидан фойдаланишнинг долзарблиги ортиб бораётган бир пайтда ҳўжалик ишларини кам харажатли ҳамда тарафлар ўртасидаги низоли бўлмаган ҳўжалик муносабатларини ортиқча сансалорликсиз тартибга солишга қаратилган нормалар 1998 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексига ҳам мустаҳкамлаб қўйилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. "Суд буйруғи" деб номланган 14-бобда суд буйруғи асосида қарзни ундириш, суд буйруғи бериш бўйича талаблар, аризанинг шакли ва мазмуни, ариза қабул қилишни рад этиш

**М.МАМАСИДДИКОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги Амалдаги  
қонун ҳужжатлари мониторингинг  
институтини гуруҳ раҳбари, юридик  
фанлар доктори

асослари, суд буйруғи бериш тартиби ва уни бериш рад этиш асослари, суд буйруғининг мазмуни ва уни бекор қилиш каби масалалар ўз ифодасини топган. Давр талабидан келиб чиқиб, ҳўжалик ишлари бўйича суд буйруқларини чиқариш янада такомиллашиб бормоқда. Бунинг натижаси сифатида Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 августдаги "Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга мурофиқ Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хўжалик ишларини кўриш ва ҳал этиш тартиб-таомилларини соддалаштиришга қаратилган ислохотлар давом эттирилиб, 2011 йил 22 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексининг 103-моддаси янги 1<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилди. Унга кўра, қонун ҳимоя қилиш тартиб-таомиллари бўйича қардорликни ундириш тўғрисида тасдиқловчи ҳужжатларга асосланган талаб қўйилса, суд буйруғи чиқарилиши назарда тутилди.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз фуқаролик ва ҳўжалик процессуал қонунчилигида буйруқ тартибда иш юритиш институтининг жорий қилинганлиги фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган ҳуқуқий муносабатларининг ўз вақтида, турли сансалорликсиз ҳал этилишини назарда тутувчи суд-ҳуқуқ ислохотларининг самараси ҳисобланади. Шундай экан, буйруқ тартибда иш юритиш институтининг жорий қилинганлиги фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган ҳуқуқий муносабатларининг ўз вақтида, турли сансалорликсиз ҳал этилишини назарда тутувчи суд-ҳуқуқ ислохотларининг самараси ҳисобланади. Шундай экан, буйруқ тартибда иш юритиш институтининг жорий қилинганлиги фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган ҳуқуқий муносабатларининг ўз вақтида, турли сансалорликсиз ҳал этилишини назарда тутувчи суд-ҳуқуқ ислохотларининг самараси ҳисобланади. Шундай экан, буйруқ тартибда иш юритиш институтининг жорий қилинганлиги фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган ҳуқуқий муносабатларининг ўз вақтида, турли сансалорликсиз ҳал этилишини назарда тутувчи суд-ҳуқуқ ислохотларининг самараси ҳисобланади. Шундай экан, буйруқ тартибда иш юритиш институтининг жорий қилинганлиги фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган ҳуқуқий муносабатларининг ўз вақтида, турли сансалорликсиз ҳал этилишини назарда тутувчи суд-ҳуқуқ ислохотларининг самараси ҳисобланади.

# Жоҳиллик

Оилавий муҳит... У кўп нарсани белгилайди. Оила — бир кичик давлатга қибласасак, унга тинчлик, хотиржамлик бегона экан, бунда камолга етган фарзандлардан яхши амаллар куттиш душвор.

Сўнги йилларда ҳукуматимиз томонидан ёш авлод тақдирига қайғуриш, уларни доимий ҳимояга олиш ва энг муҳими, таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани сабабини ҳеч ўйлаб қўрганмисиз?! Нега давлат бюджетининг асосий қисми ёшлар учун, уларнинг ҳар томонлама соғлом ва етуқ бўлиши учун сарфланмоқда? Боиси, келажак уларнинг қўлида. Шу юрт фарзанди қанча кўп чўққиларни забт этса, бу ҳамманинг ютуғи. Улар келажакда ақл-идрок билан давлатни бошқарса, ривожланиш олдига босади. Бироқ бирортаси ноҳўя қадам босдим, кўпчиликнинг боши эгилди. Жамият таназзулга юз буради.

Афсуски, айрим ота-онага жамият учун қайғуриш ҳисси тамоман бегона. Уларни на оиласи, на фарзандлари келажакда қизиқтиради. Бир-бирини ҳақоратлашу улфатчиликдан боши чиқмайдиган мазмунсиз муҳитда ўсган бола бу ҳаётдан ўз билганича ибрат олади. Ачинарлики, назоратсиз қолгач, яхшиларга эмас, ақсар ҳолларда, ёмонларга ёндашади.

Сардор (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам яхши муҳитда улғайганда, эҳтимол,

Мўминжон БОБОМИРЗАЕВ,  
Косонсой туман прокурори

ҳали вояга етмай туриб ўз акаси жонига қасд қилмаган, қўлини унинг қонига бўямаган бўларми?! У ҳам айни пайтда қора курсида ўтирмай, тенгдошлари қатори китобу компьютер билан "тиллашаётган" бўларми?!  
Сардор 6-синфни битириш арафасида акаси Жасур уни қисди-бастига ола бошлади:

— Сени Андижондаги мадрасага ташлаб келаман. Уша ерда сабоқ оласан.


Аслида на диний, на дунёвий билим олишга тоқати йўқ Сардорга акасининг бу гапи ёқмади.

— Э-э, у ерда нима бор менга?! Ҳеч қаерга бормайман!

— Борасан! — сўзида қатъий туриб олди Жасур. Укаси яна хархаша қилавергач, уни росса калтаклаб, боришга кўндирди. Ёзги таътил бошланиб-бошланмай уни Андижон вилоятидаги мадрасалардан бирига ташлаб келди.

Сардор уч ой зўрға чидади. Мадрасадаги дарслар ёқмай, яна уйига қайтиб келиб, ўзи ўқиётган мактабга қатнай бошлади. Бу пайтда Жасур Россияга ишлагани кетганди.

У икки йилдан сўнг, яъни 2010 йил ноябрь ойида уйига қайтгач, Сардорнинг мадрасага бормай қўйганини билиб, уни яна калтаклашга тушди. Агар қўни-қўнилар ажратиб қўйишмаганда, укасини бир нима қилиб қўйиши аниқ



эди. Бу ҳол бир неча марта юз берди. Сардорни яна қўнилар акасининг чангалидан ажратиб олишди.

Жасур ҳамаси, укасининг яхшигина диний билим эгаси бўлишини истаётганди. Шунинг учун декабрь ойи ўрталарида Сардорни Косонсой шаҳрида яшовчи танишининг уйига мажбуран олиб бориб, ундан укасига диний сабоқ беришини илтимос қилди.

Аслида ўзида хоҳиш бўлмаса қийин экан. Сардор акаси минг мажбурламасин, диний билим олишни истамади. Бир кун борганича, қайта сабоқ олгани бормади. Бироқ акасининг зугумидан қўрқиб, бунга унга айтмади. "Сабоқ олгани борапсими?" деган саволига "Ҳа, борапман", деб юраверди. Бироқ қачонга ёлгон гапириб юрди?! Ахир акаси эрта-индин бунга билиб қолса, аяб ўтирмаслиги тайин!

Сардор ўйлай-ўйлай бир қарорга келди: уни ухлаб ётганда ўлдириб, ҳаммасидан қутулади.

Шу ўринда ота-онанинг фарзандлари юриш-туриши,

ҳис-туйғуларига бефарқлиги панд берди. Агар ота, ҳеч бўлмаса, она Сардор билан дилдан суҳбатлашиб, унинг диний билим олишга иштиёқи йўқлигини билганида, Жасурга бунга ётиги билан тушунтирганда, эҳтимол фожиа юз бермаган бўларми?!.. Аслида ҳам ота-она фарзандига керак бўлса дўст, сирдош бўлиб, ички кечинмаларидан огоҳ бўлиб бориши, уни тўғри йўлга йўналтириб туриши керак эмасми?! Аммо бу оилада нима тўғрию нима нотўғри экани ҳақида мулоҳаза ҳам қилинмас, ҳамма нарсга ўз ҳолига ташлаб қўйилганди чоғи. Шу боис, Сардорнинг кўнглида уйгонган ёвузлики ҳеч ким сезмади.

2010 йил 25 декабрь куни кечки пайт Жасур укасидан сўраб, сабоққа бораётганини билгач, ўз хонасига ухлаш учун кириб кетди.

— Уни ўлдирмай қўймайман! — ўспирининг дилидаги нафрат янада алангаланди, кўзига қон қуйилди. — Агар у домланикига бормаётганимни билса, мени ўлдирмай қўймайди. Ундан кўра мен уни...

У шу ҳаёлда ошхонада турган пичокни олди-да, ҳамманинг ухлаётганидан фойдаланиб, аста Жасурнинг хонасига кириб борди. Бу пайтда ака ҳеч нимадан бехабар донг қотиб ётарди.

Сардор қўлидаги пичок билан унинг тепасига борди. Бироқ вужудини титроқ босиб, анчагача жим қолди. Кўз ўнгида Жасурнинг аямай калтаклашлари бир-бир кино тасмасидек ўтаркан, пичокни зарб билан акасининг бўйнига санчиб олганини билмай қолди...

Акаси огрикка чидай олмай ингранишни бошлагач, қилмишидан қўрқиб кетди. Югурганича кўчага қочиб, шу атрофдаги дурадгорлик цевиҳа яширинди. У ердан қабристон қоровулининг қулбасига беркинди.

Бўйнидан оғир жароҳат олган Жасур эса жон аччиғида ўртанча укасини ёрдамга чақирди. Яхшики, шифокорларнинг сазй-ҳаракати билан жони сақлаб қолинди. Бироқ ҳам бўйнида, ҳам дилида жароҳат изи қолди.

Жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди Сардор Обидовнинг мазкур жиноий ишини қўриб чиқди. Унинг вояга етмаганини ҳисобга олган ҳолда шартли ҳукм қўллаб, уч йил синов муддати тайинлади.

Ушбу жиноят ҳар қимни мулоҳаза қилишга ундайди. Хўш, ҳали вояга етмаган бола-ининг оғир жиноятга қўл уришига ким айбдор, деган савол теграсида айланмади. Чиндан ҳам, бунга ким айбдор? Болалар тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўйган ота-онами ё юзига жоҳилликдан ниқоб кийган акаси? Эҳтимол, Сардорнинг ўзи ҳар бир ҳаракатини мулоҳаза қила олганида бу тубанликка қўл урмасмиди...



## Қурилишдаги «усул»лар

Комил НАЗАРОВ,  
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи  
Ўтқиржон ДЕХҚОНОВ,  
«Ниҳод»

Юртимизда олиб борилаётган изчил ислоҳотлар туфайли жамият ҳаётининг барча жаҳазларида улкан ютуқларга эришмоқдамиз. Бу ютуқлар ўз навбатида ҳукуматимиз томонидан яратиб берилаётган чексиз имкониятлар ва қаратилаётган эътибор самараси, десак асло муволафа бўлмайди. Масалан, биргина қурилиш соҳасини олсак: осмонўпар мухташам бинолар, кўп қаватли турар жойлар, замонавий типлагги ўқув даргоҳлари... Аммо қурилиш соҳасига ҳам ўз манфаатларини ўйлаб, қинғир йўлларнинг бошини тутатган баъзи бир мансабдор шахсларнинг учраши ачинарли ҳолат.

Абдурашид Абдурахимов аناшундайлар тоифасидан чиқиб қолди. У 2008 йил 30 апрелдан Сурхондарё вилоят ҳокимлиги "Ягона бюртмачи хизмати" инженеринг компанияси директори лавозимига тайинланди-ю. Ўзгарди-қўйди. Қинғирлик, ўзганинг мулкни талон-торож қилиш унинг кундалик юмушига айланди. Бу нопок йўлда ходимлари — иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари С.Рамозонов, бош ҳисобчи Ш.Хайитов, компания бош муҳандиси У.Элмуродов, бўлим бошлиғи З.Бутаёров, техник назоратчилар У.Қаршиев, С.Хужаяров, А.Қулматов, Х.Раимқуллов ва бошқа хусусий фирма раҳбарларининг бошини қовуштирди. Улар мазкур даврда А.Абдурахимовнинг "мақсад ва мудоао"ларини рўёбга чиқариш билан шуғулланиб келганлар.

А.Абдурахимов "иш"ни давтаввал, қўл остидаги ходимлардан бошлади. У.Элмуратовни гўё раҳбарлиқ қиляпти, деган уйдирма орқали қўрқитиб, у тайинланган бош муҳандис лавозими учун 2 млн. сўм пулни пора тариқасида олади. Ҳеч қим "мушуги"ни "пишт" демаганидан рухланиб, янги режа тузади. Бунда компания бош ҳисобчиси Ш.Хайитов, "Аму-Зангирқурилиш" МЧЖ бошлиғи М.Валиев ва бошқа шахслар унга ёрдам қўлини чўзишди. Мазкур жиноий келишувга асосан, Жарқўргон туманидаги 490 ўринли 44-сонли янги мактабда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширган пудратчи "Аму-Зангирқурилиш" МЧЖ томонидан сметага киритилган жами 181,7 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ бажарилмаган бўлса-да, улар ишларни маълум ҳақ олиш эвазига қабул қилади-

лар. Натижада, давлат бюджетидан аслида бажарилмаган ишлар учун ҳам маблағлар ўтказиб берилиб, шунча миқдордаги пул маблағи талон-торож қилинади.

Жиноий шериклар кейинги сафар "Сурхондарёқурилиш" инженеринг компанияси таъсисчиси А.Мадартов, компания директори Н.Мадартов ва бошқалар билан келишадилар. Ушбу келишувга биноан, Жарқўргон туманидаги "Спорт" йўналишидаги касб-хуна қоллежида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширган пудратчи "Сурхондарёқурилиш" инженеринг компанияси томонидан сметага киритилган 89,9 млн. сўмлик технологик ускуналар, 105,9 млн. сўмлик мебель ва жиҳозлар ҳамда 505,4 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари, жами 701,3 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишлари тўлиқ бажарилмасдан счёт-фактураларга қўшиб ёзилган бўлганлигини билсалар-да, бу пул маблағларини ҳам тўлиқ ўтказиб берилишини таъминлайдилар. Шу йўл орқали яна бюджет маблағларини ўзлаштирадилар.

Бундан ташқари, А.Абдурахимов "Узуни-қурилиш" материал бутлаш қорхонаси билан Денов туманидаги 10-сонли умумтаълим мактабда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда 61,2 млн. сўмлик, "Вилжам-ўж-қурилиш" МЧЖ билан Термиз шаҳри-

даги "Банк-иши" йўналишидаги касб-хуна қоллежида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда 92,2 млн. сўмлик, Шўрчи тумани Ж.Хўжамиев номидаги фермер хўжалиги ҳудудидаги "Қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлаш" йўналишидаги касб-хуна қоллежида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда 187 млн. сўмлик, "Машъал ЮОН" ХФ билан Денов туманидаги 32-сонли умумтаълим мактабидан мукамал таъмирлаш ишларини амалга оширишда 79,7 млн. сўмлик, "Денов инженеринг қурилиш компанияси" МЧЖ билан Денов туманидаги 53-сонли умумтаълим мактабидан мукамал таъмирлаш ишларини амалга оширишда 79,7 млн. сўмлик, Узун тумани "Жончекка" қишлоқ фуқаролар йиғинида жойлашган "Қишлоқ хўжалик махсулотларини қайта ишлаш" йўналишидаги қоллежида қурилиш таъмирлаш ишларини амалга оширишда 272,7 млн. сўмлик бюджет маблағларини аслида бажарилмаган қурилиш-монтаж ишлари учун ўтказиб бераверган. Шунингдек, жиноятларини мавжуд ҳужжатларда ёпиб келишга ҳаракат қилган. Оқибатда миллионлаб пул маблағлари ўзлаштирилиб, текин даромад олинган.

Юқоридаги каби ҳолатларга жазонинг муқаррарлиғи тайин. Аммо шу нарсани аниқки, ўз нафсини ўйлаган, келажак авлод, қолаверса, ўз фарзандлари тахсил оладиган иншоотларда бундай ноқонуний ишларни амалга оширган қимсаларни нафақат қонун, балки халқнинг ўзи ҳам кечирмайди.



**Баъзилар ўз хизмат вази-  
фасидан қандай "фойдала-  
ниш"ни яхши билишади.  
Аммо улар танагаган йўл  
жуда хатарли бўлиб, бири-  
да бўлмаसा, бошқасида  
"тузоққа тушиб қолиш"ни  
ҳеч гап эмас. Аммо, нафс  
ўлгур бунга ҳеч изн бер-  
майди-да!**

Суд Департаментининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари Булунғур туман бўлими суд ижрочили лавозимида ишлайдиган Гофуржон Дўстмуродовнинг қўлида фуқаролик шарни бўйича Жомбўй туманлараро судининг буйруғи бор эди. Унга кўра, суд ижрочили Н.Муратовга фойдасиз фарзандининг моддий таъминоти учун О.Муратовдан алимент пули ундириб бериши керак бўлса-да, у ўзгаларнинг эмас, ўзининг "фойда"сини ўйлади. Шу мақсадда О.Муратовни бир "қўриқтиб" қўймоқчи бўлди. Унга нисбатан жиноят иши қўзғатилишини рўқча қилиб, тўплаган хужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбормаслик эвазига 500 минг сўм пора талаб қилди.

Унинг талабидан сўнг,

Кизилтепалик Уйғун Қиличев турмуш ўртоғидан ажрашган, икки ўғил ва бир қизининг онаси К.Халилова билан ноқонуний яшай бошлади. У "оиласини" боқишга моддий жиҳатдан анча қўйналгани боис К.Халилованин ўғли И.Турсунов билан Россияга ишлагани кетди. У ерда гишт заводида ишга кириб, пул жўнатиб турди.

У.Қиличев 2007 йил ноябрь ойда К.Халилованин қизининг тўйига келади. Тўйни ўтказиб, Россияга қайтиб кетиш учун кўшнис Н.Худойназаровдан қарз олади. Шу пул эвазига унинг укаси Сирожиддин Худойназаровни ўзи билан Россияга олиб кетади. Манзилга етиб борган, С.Худойназаровнинг фуқаролик паспортини олиб қўйиб, меҳнат шароити ва муайян шароитлар яратиб бермасдан ишлатиб, иш ҳақини умуман бермайди. У.Қиличевнинг бу қилмишлари ҳали ҳолва экан. У К.Халилова билан телефон орқали жиноий тил бириктириб, тақдоран жиноятга қўл уради.

Ухшатмасдан учратмас, деганлари бор гап экан. Йўқса, К.Халилова "эрини" бу номақбул йўллардан қайтарган бўлар эди. Аммо у бундай қилмади. Фириб бобида "эрини" ҳам йўлда қолдириб, юқори иш ҳақи ва яхши меҳнат шароитини ваъда қилиб, Санжар Худойназаров (Сирожиддин Худойназаровнинг акаси), Улугбек Шеров, Элёр Нурбоевларни алдов йўли билан У.Қиличевнинг олдига жўнатди. У.Қиличев Рос-

## Хато

Улугбек ХАМРОКУЛОВ,  
Самарқанд вилоят прокурорининг  
катта ёрдамчиси

О.Муратов 100 минг сўм келтириб берди.

— Бу кам, яна 430 минг сўм олиб келишингиз керак. Акс ҳолда ишингиз терговга ўтади, — деди Ф.Дўстмуродов.

— Бунча пулни ҳозир беролмайман, сабр қилинг, — илтимос қилди О.Муратов.

— Мен сизга "вазият"ни айтаяпман, қолганини ўзингиз биласиз.

Бу гапдан О.Муратов бошини чангаллаб қолди. У суд ижрочилига айтилган пулни топиб беролмаслигини билиш, ноқонуний талаб устидан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди...

— Айтган пулингизни олиб келдим, — О.Муратов келишилган кун суд ижрочилининг хизмат хонасига кириб келаркан гап бошлади.

— Қанча олиб келдингиз?

— Мана 200 минг сўм ва 100 доллар, санаб кўринг.

Ф.Дўстмуродов пуллارни санаб кўришга улгурмади. Хо-

нага кириб келган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари ишингиз "белига тешиди".

Суриштирув чоғида суд ижрочилининг яна бир неча айби очилди. Маълум бўлишича, у О.Муратовнинг хужжатлари прокуратурага юборилмаган бўлса-да, унга нисбатан жиноий иш қўзғатиш масаласини ҳал қилиш учун тўплаган хужжатлар прокуратурага юборилганлиги тўғрисида сохта алоқа хати тайёрлаган экан.

Бундан ташқари, Ф.Дўстмуродов шу туманда яшовчи Орзикул Зармасовдан йўл ҳаракати қоидасини бузганлиги ҳақидаги баённомага кўра, давлат фойдасига 35 минг сўм жарима ундириши керак бўлган. Аммо у ҳайдовчилик гувоҳномасини қайтариб бериш эвазига 60 минг сўм талаб қилган. Суд ижрочили О.Зармасовдан 50 минг сўм пора олган, ҳайдовчилик гувоҳномасини бериб юборган.

Судда унинг барча жиноий хатти-ҳаракатлари ўз ибботини топди. Гофуржон Дўстмуродов 8 йули 1 ой муддатга озодлиқдан маҳрум қилинди. Шунингдек, у 2 йил муддатга мансабдорлик лавозимларида ишлай олмайди-ган бўлди.

## Жазосини олишди

А.ФАЙЗУЛЛАЕВ,

Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

сияда уларни кутиб олиб, аввало уларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўяди. Ваъда қилинган меҳнат шароитларини яратиб бермасдан ишлатиб, иш ҳақини бермайди.

У.Қиличев ва К.Халиловлар жиноий ҳаракатларини яна давом эттириб, ёлгон ваъдалар ва алдов йўли билан А.Рустамов ва Р.Қодировларни худди шундай аҳволга туширадилар.

Хар бир ишининг ибтидоси бўлгани каби интихоси ҳам бўлади. Уларнинг кирдиқорлари фош этилиб, суд У.Қиличевга 5 йил муддатга озодлиқдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Унинг жиноий шериғи ҳам тегишли жазосини олди.

## Хуфрия дори савдоси

Инсон саломатлиги, ҳаёти энг олий қадриятидир. Мамлакатимизда бу борада устувор сиёсат олиб борилмоқда.

Аммо шунга қарамай нафс ва гараз манфаат илпиндида одамлар саломатлиги ва ҳаётига ҳафс туғдирувчи савдодан ўзини тиймайдиغانлар ҳам учраб туради.

Одам гавжум жойларда, йўлақлар четда рўзгор халталарда аралаш-қуралаш тўлдирилган дори-дармонлар билан савдо қилиб ўтирган "фармацевт"ларни кўрсангиз. Уларнинг асосий мудидаоси ўша ола халтани бўшатиб, тайинсиз "малҳам"ларни пуллаш.

Хозирги кунда чинакам дори қайси-ю, сохтаси қайси эканини аниқлаш учун махсус лаборатория текширувисиз доришунноснинг ўзи ҳам иккиланиб қолиши аниқ.

Афсуски, замон талабига тўлиқ жавоб берадиган дориҳоналарда исталган дори-дармонни топиш мумкин бўлса-да ва у ерда малакали доришуннослар хизмат кўрсатаётганига қарамай, "қора бозор"лардан кўтарасига арзонроқ елкалаб олган ноёб важ "биттагина қолган ноёб важ" нарҳида дори харид қиладилар.

Инсон саломатлиги билан боғлиқ ҳар қандай дори воси-

Бобуржон БОЛТАЕВ,

Пол туман прокурори  
ўринбосари

таси ўзига хос сақлаш ва олиб юриш қоидаларига риоя этишни талаб қилади.

Нафақадаги, беш фарзанднинг онаси, Тошкент вилояти Бекобод шаҳар фуқароси Матлуба Усмонова инсон саломатлиги учун хатарли ана шундай "қора бозор"га жон бағишловчилардан бўлиб қичди. У Қўқон шаҳар Навоий мавзесидаги норасмий дори бозоридан 44 турдаги дориларни 350 минг сўмга харид қилиб, Бекобод шаҳрига олиб кетаётганида Қамчиқ доvonидаги "Наманган йўл-патруль хизмати" масканида фош этилди.

"Наманган дори-дармон" очик хиссадорлик жамиятининг маълумотига кўра, М.Усмоновадан олиниб, жамият дори омонборида сақланган 44 турдаги дориларнинг умумий нархи 697 700 сўмга тенг.

Ўзбекистон Республикаси "Дори воситалари ва тиббий техника воситасини назорат қилиш бош бошқармасининг суд-кимёвий экспертиза хуласасига кўра, судланувчидан

олинган "Себазон", "Циклодол", "Натрий Оксибутрат" каби жами 6 турдаги дори воситалари таркибида актив модда мавжуд бўлиб, улар психотроп моддалар туркумига мансублиги аниқланган. Шунингдек, 8 турдаги дорилар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Давлат рўйхатига олинган ва таҳлил натижаларига кўра, мейорий хужжатлар талабларига жавоб бермаслиги аниқланган. Аниқроғи — қалбакилаштирилган. Саккиз турдаги дорилар ёрликлаш кўрсаткичи бўйича талабга жавоб бермаган. Тўққиз турдаги дорилар республика Давлат рўйхатига олинмаган. Саккиз хил дорилар кўрсаткичлари иероглифларда берилганлиги сабабли маълумот бериш имкони бўлмаган.

Суд жиноятчи М.Усмоновага тегишли ҳукм ўқиди. Ноқонуний ва соғлиқ учун хатарли дори-дармон савдосига ҳеқ қўйишнинг энг ишондиги йўли — бу борадаги онгли мулоҳазаларимиздир. Нега тўридан-тўғри йўлда, асфальтда, ола халталардаги дори-дармонларни шахси номаълум одамлардан олишимиз керак?

"Қанақа дори керак?!" — дея салкам йўл тўстан кимсалар, аввало, ўзлари тиббий қирқидан ўтишганимики? Тиббий тушулча, дори воситалари савдоси борасида тасаввурга эгамикан? Масаланинг бу жиҳати гоят жаддий.

## Нафс бандалари

Ҳаким ИКРОМОВ,  
Муборак туман прокурори  
Асрор ЭШИМОВ,  
туман прокуратураси терговчиси

Буюк файласуф ва доғишманд Суқрот бориға қаноат қилиб, умрини фақирликда ўтказган экан. У амалдорлар томонидан ҳаётига этилган ҳар қандай бойлик ва мансабни ҳаром деб билиб, қорни наонга тўймаса-да, ҳалол меҳнат қилиб яшаган. Қунлардан бир қуни подшоҳнинг мулозимини келиб, уни ҳукмдор ўз хузурига қорлаб, саройига ишга тақлиф қилатганини айтибди. Шунда Суқрот:

— Подшоҳта бориб айт, мен қандай қилиб қулимнинг қулиға хизматкор бўлайин?

Мулозим доғишманднинг гапини тушунмабди ва уни оқизмай-томизмай подшоҳга этказибди. Қуллас, подшоҳнинг кейин Суқротга нисбатан қандай жазо қўлагани биз учун асосийси эмас, асосийси — нафсини жиловлаб олган улуг доғишманд нафсига қул подшоҳдан ўзининг юксакроқ эканини намоян этганидир.

Дарҳақиқат, нафсини жиловлай олган, сабр-қаноатни бошига тох қилган инсонлар ҳамишда ўз халқининг хурматига сазовор бўлганлар. Жалолиддин Румий, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Ясавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби улуг инсонлар нафс гирдобига тушмай ҳалол яшаганлар ва ўз замондошларини ҳам шунга ундаганлари учун биз уларни эҳтиром билан тилга оламиз.

Нафсига қул бандда ҳузур-ҳаловат бўлмайди, чунки у бугун ҳаром йўл билан топган молиға қаноат қилмайди. Бировнинг ризқидан, давлат ҳазинасидан бугун битта чўнтагини қаппайтиради. Чўнтак курғурининг эса сони қўл, қолганларини ҳам тўлдирай деб ўзини ўтга ҳам, чўкка ҳам ураревари. Охир-оқибат миси чиқиб, эл олдига шарҳимисор бўлади.

Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг биринчи бўлиб ўтган очик суд мажлисида нафс балосига гирифтор бўлиб, халқ ва давлат мулкини зулқисиз равишда ўмариб келган икки шахс — Ақром Ҳайдаров ва Яқуб Қурбановларнинг жиноий ишлари кўриб чиқилди.

Ақром Ҳайдаров 2006 йилнинг 28 ноябридан 2007 йилнинг 30 ноябрига қадар "Муборак пахта тозалаш" ОХЖда уруғлик чигит тарозибони вазифасида ишлаб, шу жамиятда уруғлик чигитни халталаш ва саралаш бўлими ишчиси Яқуб Қурбанов билан жиноий тил бириктирган. Улар "Муборак пахта тозалаш" ОХЖга 2007 йил пахта ҳосили учун бошқа пахта тозалаш заводларидан келтирилган, ўзларига ишониб топширилган ва ихтиёрларида бўлган "Бўхоро-6" ва "Бўхоро-8" навли жами 634 179 килограмм уруғлик чигит махсулотидан 305 200 килограмм дориланмаган 18 млн. 299 минг 792 сўмлик техник чигитни, шунингдек, 67 894 килограмм дориланган "Бўхоро-6" навли 64 млн. 989 минг 175 сўмлик уруғлик чигитни, жами 73 млн. 288 минг 967 сўм миқдордаги давлат мулкини талон-торож қилганлар. Бундан ташқари, А.Ҳайдаров ўзининг жавобгарлигида бўлган, баҳоси 30 минг сўмлик бир дона штамп, донаси 291 минг 146 сўмлик 4 дона 7x8 метрлик чодир, 332 минг 864 сўмлик 7x8 метрлик чодир, жами эса 1 млн. 527 минг 451 сўмлик моддий товарларни ўзлаштирган. Судланувчи А.Ҳайдаров ўзининг бу ҳаракатлари билан ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "а" бандида кўрсатилган жиноятни содир этган. Шунингдек, у жиноятларининг изини яшириш мақсадида жиноий шериғи Я.Қурбанов билан тил бириктириб, унвчанлиги паст бўлган уруғлик чигитни йўқ қилиш учун Ҳузур-Қорақамар қабристонига (тирикларнинг ризқига ҳиёнат қилишнинг этмаганидек, марҳумларнинг ризқига ҳам ҳиёнат қилишган) олиб борилганлиги ҳақида сохта товар-транспорт юк хатларини тузиб, Я.Қурбановнинг уйда сақлашган.

Судланувчи Я.Қурбанов эса, юқорида кўрсатилган жиноятдан ўзига ишониб топширилган 4 050 килограмм "Бўхоро-6" навли 2 млн. 150 минг 380 сўмлик чигитни талон-торож қилган.

Судланувчилар — А.Ҳайдаров ҳамда Я.Қурбановларнинг жиноий ишлари тергов жараёнида аниқ далил ва гувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқини топди ва улар суд ҳукми билан қўлмишларига яраша жазоландилар.

Шунингдек, жиноят ишлари бўйича Муборак туман судининг очик суд мажлисида судланувчи И.Эшонқуловнинг ҳам жиноий иши кўриб чиқилди.

И.Эшонқулов 2007 йилнинг 29 октябридан 2010 йилнинг 26 июлига қадар "Муборак пахта тозалаш" ОХЖда уруғлик чигит товаршуноси вазифасида ишлаб, жавобгарлигидаги 2008 йил ҳосилидан 1181 килограмм 1 млн. 088 минг 900 сўмлик "Бўхоро-6" R-2 навли уруғлик чигитни ҳамда 2009 йил ҳосилидан олинган, дориланмаган 50 млн. 958 минг 622 сўмлик 405 431 килограмм "Бўхоро-6" навли чигитни Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси "Косон ҲВ-экстракция" ОХЖга, 34 млн. 412 минг 162 сўмлик 273 786 килограмм "Бўхоро-6", 16 млн. 546 минг 460 сўмлик 131 645 килограмм "Бўхоро-6" навли уруғлик чигитни эса терговда аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сотиб юбориш йўли билан талон-торож қилган.

Судланувчи Ибрагим Эшонқулов юқорида баён қилинган ҳаракатлари билан 17 млн. 635 минг 360 сўм миқдордаги давлат мулкини ўзлаштириб, ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "а" бандида кўрсатилган жиноятни содир этган. Шунга асосланиб, туман суди юқорида кўрсатилган сумманинг 8 млн. 450 минг сўми судланувчи томонидан нақд пулда, қолган қисми эса натуро шаклида қоплангани лозимлиги ҳақида қарор чиқарди. Унга нисбатан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ўшлаб қолган ҳолда 2 йил муддатга ахлоқ тузатиш иши жазоси тайинланди.

Маҳалланинг ҳалқ маънавияти билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида сўз юритиб, уларни кўз ўнгимиздан ўтказиб, атрофлича таҳлил қилар эканмиз, ҳеч иккиланмасдан айтиш керакки, биз ҳар қайси хонадон, бутун эл-юртимиздаги маънавий иқлим ва вазиятни англамоқчи бўлсак, бу борадаги ҳақиқий манзаранинг ёрқин ифодасини, аввало маҳалла ҳаётида худди ойнадек яққол кўриш имконига эга бўламиз.

Ислом КАРИМОВ

## Оила ва маҳалланинг вояга етмаганлар тарбиясидаги ўрни



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 26 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Қароридан янгидан ташкил этилаётган Республика Маънавият тарғибот марказининг асосий вазифаларидан бири сифатида маънавиятнинг мазмун-моҳияти, миллий маънавиятимизнинг қадимий ва бетакорр намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш билан биргаликда оила ва маҳалла билан боғлиқ тушунчаларни ёш авлод қалбига таъсирчан усуллар орқали сингдириш, аждодларимизнинг бу борадаги меросини бугунги тараққиёт талаблари билан узвий ҳолда ривожлантириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий кадрларнинг уйғунлиги асосида ташкил этиш кўрсатилган эди.

Ушбу қарорда бежиз оила, маҳалла каби халқимизнинг серқирра кадрларига алоҳида эътибор қаратилмаган. Мамлакатимиз маҳаллалари қадимдан миллати, ёши, ирки, дини ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, турли этник гуруҳларнинг бир жойда аҳил ва тинч-тотув яшашини таъминлашга хизмат қилиб келмоқда. Қолаверса, фуқаролик жамиятини барпо этишдек, улкан мақсадни олдига қўйган мамлакатимиз учун тинчлик энг бебаҳо неъмат ҳисобланган экан. Ҳар бир оила ва ҳар бир шахс билан бевоқифа иш олиб бораётган маънавий салохиятга ҳамда ҳуқуқий имкониятларга эга бўлган маскан сифатида маҳалланинг ўрни ва нуфузи охиригача бораверади.

Таъкидлаш жоизки, такорланмас институт — жамиятнинг ажралмас бўғини бўлган оила ва маҳаллага доир энг муҳим ижтимоий муносабатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси орқали тартибга солинган миллий ҳуқуқий тизимимизнинг ўзига хослигидан дарак беради.

Адолатли, ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, энг

аввало, аҳоли ҳуқуқий саводхонлигининг қай даражада юқори эканлиги билан белгиланади ҳамда амалга оширилади. Бу эса ўз навбатида, оилада ота-оналар ва уларнинг таъсирида вояга етаётган фарзандларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишни тақозо этади. Чунки бола учун биринчи идеал шахс унинг ота-онаси ҳисобланиб, агар ота-она саводхон бўлса, албатта, фарзанд ҳам унга эргашиб, унинг йўлидан бориши амалиётда кўпроқ кузатилади. Қолаверса, бугунги кунда ёшларнинг аксариятини вояга етмаганлар ташкил қилар экан, албатта, бундан унумли ва тўри фойдаланиш керак. Бунда ўзини-ўзи бошқариш органлари муҳим ўрин тутаяди.

Ўзини ўзи бошқариш органлари орасида маҳалланинг тобора мустақил институт сифатида шаклланиб бораётгани унинг мамлакатимизда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши ва назоратсизлигининг олдини олишдаги ролини ҳам кучайтириб бормоқда. Мазкур институтнинг миллий кадрларга таянган ҳолда замон билан ҳамнафас бўлиб фаолият олиб бораётгани бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга. Чунки маҳалла орқали кучайиб бораётган жамоатчилик назорати ижтимоий адолат барқарор бўлишида, жамият, шахс ва давлат алоқаларида тенглик, масъулият ва жавобгарлик ортиси учун хизмат қилаётган, ижтимоий ҳуқуқий тамойилларни шакллантирадиган бирламчи омилдир.

Оила ва маҳалланинг аҳоли, аинқиқса, вояга етмаганлар ҳаёти ва дунёқарашига қанчалик таъсир этишини биз умумтаълим мактаблари ва касбхунар коллежлари талабаларининг бир гуруҳи ўртасида ўтказилган сўровномада ҳам библий олишимиз мумкин.

Сўровларда катнашган вояга етмаган респондентларга "Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда қиларининг таъсири қучироқ?" деган савол билан мунозабат этилганда, 77 фоиз респондент бу борада ота-онанинг таъсири қучироқ эканлигини таъкидлашган.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда маҳалла институти ва кенг жамоатчиликнинг ўрни ҳамда таъсири ҳақида сўралганда, респондентларнинг 12 фоизи ушбу институтнинг таъсирини юқори деб баҳолаган. Шунингдек, 6 фоиз респондент, таълим муассасаси ва у ерда таълим берувчилар деган бўлсалар, 4 фоиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни кўрсатиб ўтишган. 1 фоиз атрофидаги респондент эса фильм ижодкорлари ва бошқа асар муаллифлари кабиларни белгилашган.

Албатта, юқоридаги жавоб натижалари ичида ота-она ва оиланинг роли бошқа жавобларга қараганда кўпчиликини ташкил этиши бола учун, энг аввало, унинг ота-онаси жавобгар шахс, қолган бошқа масъуллар эса ота-онага бу борада ёрдамчилар саналишини кўрсатиб турибди.

Респондентлар берган жавобларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олишда, аввало, оилада ота-она масъулиятини янада ошириш, лозим бўлса, улар билан индивидуал таълим жараёнини олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

Халқимизда "Бир болага етти қўшни ота-она" деган нақл бор. Бу албатта, бежиз эмас. Бунинг замирида қучли ҳаёт ҳақиқати ётади. Сукрот айтганидек, "Тарбия қийин иш ва тарбия шарт-шароитларини яхшилаш — ҳар қандай кишининг ҳам муқаддас бурчларидан биридир, чунки ўзини ва теварак атрофдагиларни маълумотли қилишдан ҳам кўра муҳимроқ иш йўқ".

Ҳадид адабиётининг йирик вакили Абдурауф Фитрат боланинг тарбия олиш босқичларини уч даврга бўлади:

1) 8 ёшгача бўлган давр. Бу даврда бола ота-она ва оиланинг тарбиясини аслича ўзлаштириб олади;

2) 8 ёшдан 20 ёшга қадар бўлган давр. Шахснинг қамол топишида таълим тизими, маҳалла, кенг жамоатчилик муҳим ўрин тутаяди;

3) 20 ёшдан кейинги давр. Бу даврдаги тарбия шахснинг ўзига боғлиқ бўлади.

Боланинг келажақда жиноятчи ёки ҳуқуқбузар бўлиб етишмаслиги учун, аввало, ота-онаси ва оила аъзолари етарлича ҳуқуқий онг ва тарбияга, маданиятга эга бўлиши, иккинчидан, жамоатчиликнинг келажаққа масъуллиги талаб этилади. Бу борада "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасида маҳалла оқсоқолларининг вояга етмаганлар тарбиясига оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорликда иш олиб бориш-

Отабек АЗИМОВ,  
Республика Маънавият тарғибот  
маркази етакчи мутахассиси

лари хусусида қоидалар киритилган.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари бу институт фаолияти хусусида эртанги кун ташвиши билан шундай дейди: "Агар биз жамоат ташкилотларининг кучини бирлаштириб, давлат идоралари, қонун чиқарувчи ва ижроия ҳокимияти устидан жамоат назоратини ўрната олмас эканмиз, юқорида тилга олинган иллатлар олға юришимизга халақит бераверади. Жамоат назоратининг моҳияти шундаки, барча жамоат ташкилотлари, маҳалла оқсоқоллари, халқ депутатлари, фаоллари, ҳамма-хамма бир ёқадан бош чиқариб, амалга оширилаётган илоҳотларнинг изчиллигини, катта-кичик раҳбарларнинг ишига муносабатини назорат қилиб, Жамоатнинг қамчиликларини рўй-рост очиб ташлаши керак".

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида фуқароларнинг ўзларини назорат қилишлариغا алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, қонуннинг 13-моддасида фуқаролар йиғини раисига ички ишлар органларининг профилактика бўйича инспектори билан ҳамкорликда "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси устидан назоратни амалга ошириш юклатилган. Бундан қўзланган мақсадлар мажмуи-га, аввало, ички тинчликни, тартиб-интизомни сақлаш, профилактикага назоратчи кўмағида фуқароларнинг ҳуқуқий-ижтимоий соҳадаги билимларини тақомиллаштириш, ҳуқуқ нормалари бузилишининг ҳамда вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш каби қатор устувор масалалар киряди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда мустақиллик йилларида маҳалла институти асрий аъёналарга содиқ қолган ҳолда халққа энг яқин, унинг дарду ташвишларидан доимо огоҳ бўлиб турадиган, зарур пайтда ёрдам бера оладиган, аҳолининг барча муаммоларини ўзида ҳал эта оладиган чинакам тузилмага айланди. Жамиятнинг асосий бўғини сифатида оила ва маҳалладаги ҳар бир инсон билан мустаҳкам алоқаси шаклланди. Ватанимизда барқамол авлод тарбияси, оиланинг мустаҳкамлиги ҳамда турли миллат ва элатларнинг тинч-тотув, ҳамжихат яшашлари ўта муҳим аҳамиятга эга экан, оила ва маҳалланинг узвий ҳамкорлиги бардавом бўлиб, халқимиз ҳаётида уларнинг аҳамияти ортиб бораверади.

## Матбуот анжумани

Кеча Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан "Мураккаб, оғир ва ўта оғир жиноят ишларини тергов қилиш жараёни, жиноят содир этилишига олиб келган шарт-шароит, терговчилар ишини ташкил этишда инсон ҳуқуқларининг таъминланиши" мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда ИИБнинг Тергов Бош бошқармаси, Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси, Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси раҳбар ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Матбуот анжуманида сўзга чиққан ИИБ раҳбар ходимлари ички ишлар идоралари томонидан мураккаб, оғир ва ўта оғир жиноят ишларини тергов қилиш амалиёти, уларнинг содир этилишининг асосий сабаблари каби соҳавий ишлари тўғрисида маърузалар қилдилар.

Анжуманда тергов идоралари фаолиятида авваломбор қонун устуворлигини таъминлаш, терговчиларнинг процессуал мустақиллигини ошириш, дастлабки тергов жараёнида фуқароларнинг конститутивий ҳуқуқларини таъминлаш, жиноят учун жазо муқаррарлиги принципини амалга ошириш, шу билан баргаликда, дастлабки тергов ҳаракатларини олиб бориш жараёнида адолат мезонлари бўлган қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик каби принципларнинг амалга оширилиши устувор йўналиши эканлиги эътибор этилди.

Бундан ташқари, ИИБ тергов идоралари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлигида оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларнинг холисона, тўла ва атрофлича тергов қилинишига, жиноят содир этган шахслар, унинг барча иштирокчиларини аниқлаш, жиноят қуроллари сифатида фойдаланилган нарса ва буюмларни олиш, жабрланганларга тегишли бўлган мол-мулк ва етказилган зарарни қоплаш учун зарур тергов ҳаракатларини ўтказиш масаларига алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Анжуманда, шунингдек, ИИБ Тергов бош бошқармаси ҳамда жойлардаги тергов бошқармаларида тергов фаолияти устидан идоровий назоратни кучайтириш, терговчиларнинг процессуал мустақиллигини ва ижтимоий ҳимояланишини, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқларини янада тўлароқ таъминлаш, қолаверса аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида "Ишонч телефони" ташкил этилиб, ушбу телефон рақамлари мунтазам равишда матбуотда эълон қилиниб келинаётгани ҳамда олинган хабар ва маълумотлар атрофлича текширилиб, қонуний қарорлар қабул қилиниши йўлга қўйилгани айтиб ўтилди.

Анжуман иштирокчилари томонидан берилган саволлар юзасидан ИИБ раҳбар ходимлари томонидан тегишли жавоблар берилди. Қизқичқарли ва мунозабарларга бой ўтган бундай матбуот анжуманларини келгусида ҳам ташкил этиб боришга келишиб олинди.


Ўз муҳбиримиз



## Собиқ генерал Гаага судида

Жорий йилнинг 26 май куни 16 йиллик қочок, Сербия Республикасининг қуроли кучлар штаби собиқ генерали Ратко Младич Белград шаҳрида қўлга олинди. Гап шундаки, Младич 1995 йилда геноцид ҳамда ҳарбий жиноятлари учун айбланиб, унга нисбатан қидирув эълон қилинган эди.

27 май куни ҳарбий жиноятлар бўйича Белград суди ишни Гаага судига топширишни маълум қилди. Икки кун ўтиб собиқ генерал судга апелляция берди. Аммо маҳаллий суд адвокатларнинг Младич соғлиги ёмонлиги сабабли Гаага судига экстрадиция қилиниши мумкин эмас, деб қиритган апелляциясини рад этди. Шундай бўлса-да, судьялар айбланувчига 1994 йилда ўз жонига қасд қилиб вафот этган кизининг қабрини зиёрат қилиб келишга руҳат берган. Хозирда Младич қаттиқ назорат остида олинган.



Гаага судида собиқ генералнинг ўз фаолияти даврида содир этган қатор ҳарбий жиноятлари, хусусан, 1995 йилда Сребреница шаҳрида мингдан ортиқ мусулмонларни қатл қилдирганлиги каби жиноятлари қўриб чиқилиши кутилмоқда.

"Адлия вазирининг имзоси олинishi билан Младич Гаага судига экстрадиция қилинади", деб ахборот берди ҳарбий жиноятлар бўйича Сербия прокурори ўринбосари Бруно Векарнич.

Эътиборли жиҳати шундаки, мамлакат аҳолиси орасида собиқ генерални миллий қаҳрамон сифатида улуғлайдиганлар ҳам талайгина экан. Жиноятчи қўлга олингандан сўнг аҳоли орасида минглаб норозилик намойишлари юзга келди.

Младич ишнi Гаага судига топшириш келгусида Сербиянинг Европа Иттифоқига киришида асосий шартлардан бири бўлади.

## Сиёсий маҳбусларга амнистия

Шу йил 31 май куни Сурия президенти Башар Асад сиёсий маҳбусларга нисбатан амнистия эълон қилиниши тўғрисидаги Фармонга имзо чекди, деб хабар беради Франс-Пресс ахборот агентлиги. Амнистия мамлакатда фаолияти таъқиқланган "Мусулмон биродарлар" ҳаракатининг аъзоларига ҳам қўлланилиши кўзда тутилган.

Амнистия тўғрисидаги Фармон қабул қилинишидан 2 ой олдин ҳукуматга қарши на-

мойишлар бошланган эди. Мазкур намойишларни бартаф этиш жараҳида ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими ва армия томонидан Суриянинг кўплаб шаҳарларида 10 мингдан ортиқ шаҳо ҳибсга олинган.

Эслатиб ўтамыз, Суриядаги ҳукуматга қарши намойишлар жорий йилнинг 15 мартида бошланган бўлиб, ҳозирга қадар норозилик чиқишлари натижасида 1062 нафар одам ҳалок бўлган.

Ўтган давр ичида Президент

Асад Башар оппозициянинг талабларини маълум даражада бажариб келган. Хусусан, у мамлакатда демократик ўзгаришлар қилиш зарурлигини тан олди, ҳукумат аъзолари таркибини ўзгартирди ва 50 йил давомида амал қилиб келётган фавқуллода ҳолатни бекор қилди. Бироқ шу билан бирга, у томонидан барча турдаги намойишларни бекор қилиш тўғрисида Фармон қабул қилинган. Бунинг оқибатида эса оппозициянинг фаолиги янада ошди.

## «Қирғизнефтьгаз» атрофидаги норозилик

Қирғизистоннинг "Қирғизнефтьгаз" давлат корхонаси мансабдор шахслари брасида юзга келган муаммо мамлакатда айрим нотинчликларни келтириб чиқармоқда.

Маълумки, ўтган йилнинг апрель ойида бўлиб ўтган тартибсизликлар натижасида мазкур компаниянинг собиқ раҳбари Канибек Масиров лавозимидан озод этилиб, унинг ўрнига акционерлар томонидан Кенешбек Масиров ушбу лавозимга тайинланган эди. Бироқ бугунги кунда мазкур корхона атрофида юзга келган келишмовчиликлар бу муаммо ақуни ечимини топмаганини кўрсатади. Чунки 31 май куни Қирғизистон жанубидаги Ўш-Бишкек стратегик йўли бу масалага безътибор бўлмаган шахслар томонидан беркитиб қўйилган.

Канибек Масиров тарафдорларининг фикрича, корхонага янги раҳбарнинг тайинлани-



ши компанияни хусусийлаштириб олишга қаратилган яширин режанинг биринчи босқини ташкил этади. Бунинг натижасида эса корхона Қирғизистондаги бошқарувчи партиядан бирининг назорати остига ўтади.

Қирғизистон бош вазири Олмос Отамбоев "Қирғизнефтьгаз"да ташқи бошқарувни жорий этиб, бошқарувчини тайинлади ва директорлар кенгаши ваколатини тўхтатиб қўйди.

## Омадсиз талончилар

Велингтон (Янги Зеландия) шаҳри полицияси тарқатган маълумотга айтилишича, маҳаллий ресторанлардан бирида ишловчи официант қиз икки нафар талончига яхшигина сабоқ бериб қўйган.

The Times газетаси бу ҳақда шундай ёзади: тунги сменадан қайтаётган 18 ёшли официант қиз (исми-шарифи сир тутилган)га қоронғи кўчада талончилар ҳужум қилишган. Аммо етти йилдан буён қаратб билан мунтазам шуғулланиб келатган қиз уларни жанговар шай ҳолда қарши олган. Талончилардан бири нозиккина қизнинг кучли зарбасидан довдираб қолган ва шу заҳоти жуфтани ростлаган.

Қизнинг сумкасини тортиб олишга астойдил ҳаракат қилган иккинчи талончи эса қўлга оёқ билан берилган зарбалардан сулайиб қолган.

Газета бундай ҳодисалар тез-тез учраб туришини эслатиб



Шўрлик талончи келиб-келиб, қаратб бўйича тўрт қарра Италия чемпионига дуч келганини қайқдан ҳам билсин. Кетма-кет кучли зарбалар ва ...

Талончи кўзини очганида унинг бошида шифокорлар ва полициячилар туришар эди. Дарвоқе, ўшанда кучли зарбадан ушунини йўқотган "ҳаваскор" талончини чемпион хонимнинг ўзи шифохонага олиб борган экан.

Бир пайтлар сузми бўйича тўрт марта олимпиада чемпионилигини кўлга қиритган австралиялик Дон Фрайзер яна бир бор ОАВ эътиборини ўзига тортган.

Гап шундаки, шундоқина уйи ёнида Дон Фрайзерга талончи ҳужум қилиб қолади. Аммо Фрайзер хоним энг нуфузли мусобақаларда медалларини беқорга қўлга қиритмаганини яна бир қарра исботлаган: у бир ўринида талончининг қўлларини қайириб, полиция етиб келгунга қадар тавбасига таянтириб турган.

Эслатиб ўтамыз, сузми бўйича тўрт марта олимпиада чемпиони Дон Фрайзер қчинда 72 ёшга тўлади.

## Бомбардимон қурбонлари

Ливия ҳукумати НАТОни уюштирилган бомбардимонлар оқибатида мамлакат тинч аҳолисининг 700 нафардан ортиги қурбон бўлишида айбламоқда.

Ливия пойтахти Триполида бўлиб ўтган матбуот конференциясида ҳукумат матбуот котиби Мусо Иброҳим Ливия Соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдим этган маълумотларни эълон қилиб, 19 мартдан 26 майга қадар мамлакат аҳолисидан 718 нафари қурбон бўлгани, ярадор бўлганлар сони 4067 нафарни, шундан 433 нафари оғир ҳолатдаги ярадорлар эканлигига эътибор қаратган.

Матбуот котиби келтирган рақамлар фақат тинч аҳолига тегишли бўлиб, мамлакат Мудофаа вазирлиги ўз таркибидagi қурбонлар сонини сир тутмоқда. Шу билан бирга, БМТнинг ҳавфсизлик кенгашига тақдим этилган маълумотларга қўра, 2011 йилнинг февраль ойида Ливияда фуқаролар уруши бошланган вақтдан буён мамлакатнинг 1200 нафар фуқароси қурбон бўлган ёки бедарак йўқолган.

31 май куни Триполи шаҳри яна авиа зарбаларга тутилди. Франс-пресс ахборот агентлигининг хабар беришича, шаҳарда камида 4 та кучли портлаш овозлари эшитилган. Каолиция кучлари қандай билонларни бомбардимон қилишни мақсад қилганлиги ҳамон номаълумлигича қолмоқда.

Апрель ойининг ўрталарида Ливия кўзғолончилари Муаммар Каддафи тарафдорлари 10 мингдан ортиқ одамларни ўлдирган, деб маълум қилишган эди. Бундан ташқари, исёнчилар 30 минг одам турли даражада оғир тан жароҳатлар олган, яна 20 минг нафари бедарак йўқолган деб таъкидлашмоқда.

## Лордлар палатасидаги кўзбўямачилик

Британия суди Лордлар палатаси вакили Жон Тэйлорни фирибгарликка айблаб, 12 ойлик қамоқ жазосига ҳўки қилди. Associated Press ахборот агентлиги маълумотларига қўра, Тэйлор йўл ва яшаш ҳаражатларига умумий миқдорда 11 минг фунт-стерлинг сарфлаганлиги ҳақида ёлган маълумот киритган.

Консерватив партиянинг 58 ёшли вакили Британия пойтахтида истиқомат қилгани ҳолда, ҳужжатларда асосий яшаш жойи сифатида Лондондан 90 км узоқликда бўлган Оксфорд шаҳрини кўрсатган.

Бундан сал аввал, аниқроғи 26 май куни The Independent газетаси яна бир консерватор, лорд Хэннингфилдининг юқоридаги каби жиноятининг суддаги муҳокамасига доир мақола эълон қилган эди. Унда айтилишича, лордлар палатасининг собиқ аъзоси яшаш ҳаражатларини 14 минг фунтга ошириб кўрсатган.

The Independent газетасининг маълумотиға қўра, лорд Лондоннинг турли ҳудудларидаги меҳмонхоналар ҳаражатлари учун маблағ ажратилиши талаб қилган. Аслида эса сиёсатчи кўрсатилган давр мобайнида умуман бошқа жойида бўлган. Бундан ташқари, у йиллик декларацияда ўз уйддан темир йўл станциясигача бўлган масофани икки баробар узоқ қилиб кўрсатишдан ҳам тап торлмаган.

## Рамзларга эҳтиёт бўлинг

Грузия парламенти 31 май куни "Озодлик ҳартияси" деб номланган, мазмун-моҳиятига қўра мамлакат ҳудудидa коммунизм ва фашизм гоёларига дахлдор ҳар қандай рамзлар қўлланишини тақиқловчи ҳужжатни тасдиқлади.

"Новости-Грузия" ахборот агентлиги тарқатган хабарға қўра, мазкур қонун лойиҳаси депутатлар томонидан бир овоздан қабул қилинган.

Ҳартиянинг айрим қоидалари тез орада қучга қиради, қолган қисми эса 2012 йилнинг 1 январидан амалга татбиқ этилади.

Шунингдек, мазкур ҳартия стратегик объектлар ҳавфсизлиги, мамлакатга кириб келувчи ва хориққа чиқиб кетувчи молиявий маблағлар айланмасини тартибга солиш ваколатини белгилайди.

Баргида  
МҮМИНЖОНОВА  
тайёрлади



# Ўзбекистон ва Япония футболининг ижобий ҳамкорлиги

Спорт



Кейинги пайтда қўямизда футболни анча тараққий этган Япония билан самарали ҳамкорлик олиб борилмоқда. Ўтган йили ўсмирлар ўртасидаги (U-16) Осиё чемпионати олимпиада Япония ўсмирлар терма жамоаси Тошкентда ўқув-йўғин машгулотларини ўтказиб, ўзбекистонлик ўсмирлар билан иккита ўртоқлик учрашувда майдонга чиққан эди. Бу ҳамкорлик жорий йилда ҳам давом этмоқда. Аввал Ўзбекистон ҳамда Япония олимпиада терма жамоалари Тошкентда иккита ўртоқлик учрашувини ўтказишди. Аслида бу учрашувлар Японияда бўлиши керак эди. Бироқ, Японияда содир бўлган зилзила сабаб, ўртоқлик-назорат учрашувлари Тошкентга кўчирилди.

Жорий йилнинг май ойида эса Япония ўсмирлар терма жамоаси (U-16) яна бир бор Тошкентда ўқув-йўғин машгулотларини ўтказишди. Йўғин доирасида япониялик ўсмирлар Ўзбекистон ўсмирлар термаси билан учта назорат учрашувини ўтказишди. Шуларнинг дастлабкиси марказий "Пахтакор" стадионда бўлиб ўтди. Муҳим жиҳати, Дилшод Нуралиевнинг шогирдлари ўша кунни Ўзбекистон терма жамоаси сифатида илк марта Тошкентда халқаро ўртоқлик учрашувда майдонга тушдилар. Уйинда томонлар муро-са кўчасини танлашди.

**Ўзбекистон — Япония 2:2.**  
Бу жамоалар ўртасидаги иккинчи учрашув эса 27 май кунини ташкиллаштирилди ва вакилларимиз 3:2 ҳисобида галаба қозонишди. Ўзбекис-

тон — Япония ўсмирлари ўртасида бўлиб ўтган биринчи учрашувда дарвозаларга 4 та гол киритилган бўлса-да, икки терма жамоанинг ўйини у қадар мазмунли чиқмаган эди. Иккинчи ўйинда вакилларимиз биринчи учрашувдаги хато ва камчиликлардан етарлича хулоса чиқарган кўринади, мазмунлироқ ўйин намойиш қилдилар.

**Ўзбекистон — Япония 3:2. Амалга оширилмаган пенальти:** Ж.Болтабоев (41)

Ўзбекистон ҳамда Япония ўсмирлари ўртасидаги сўнги назорат учрашувни 29 май кунини Янгирда бўлиб ўтди. Учинчи учрашувда ҳам ташаббус тўлиқ вакилларимиз томонда бўлди ва японлар 2:1 ҳисобда мағлубиятга учрадилар. Иккинчи учрашувда бўлгани каби японлар бу сафар ҳам ҳисобни очдилар.

Шунга қарамай, Дилшод Нуралиевнинг шогирдлари ўзларини йўқотиб қўймадилар. Музаффар Исмоилов 35-дақиқада ҳисобни тенглаштирган бўлса, Одилов Муҳиддин жамоамиз галабасини таъминловчи гол муаллифи бўлди. 88-дақиқада ўсмирларимиз орадаги фарқни 3:1 кўринишига олиб келишлари мумкин эди. Аммо Жавоҳир Сиддиқов пенальтини ноаниқ амалга оширди.

**Ўзбекистон — Япония 2:1.**

Умуман олганда Дилшод Нуралиев мураббийлигидаги ўсмирлар ҳам ўзларини яхши томондан намоеён эта олишяпти. Бироқ, бир муаммо яққол кўзга ташланиб қолди. Эътибор берган бўлсангиз, японлар билан бўлган кейинги икки ўйинда вакилларимиз 11 метрик жарима тўлидимиз рақиб дарвозасини ишгол эта олишмаган. Фикримизча, бош мураббий Япония ўсмирлари билан ўтказилган ўртоқлик-назорат учрашувларидан сўнг жамоани шакллантириш борасида режа ишлаб чиққан бўлса керак.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлсақ, Ўзбекистон ҳамда Япония футболни ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик келгусида ижобий самара беришига ишонамиз.

# Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси Австрияда



ган дақиқаларини эса бироз ҳимоявий тактика асосида давом эттиришди.

Иккинчи бўлимда терма жамоамиз ўйинида анчагина жонланиш кузатилди. Заҳирадан майдонга чиқарилган Олег Зотеев ва Дилшод Раҳматуллаевлар ўйинни сезиларли равишда кучайтира олишди. 86-дақиқада ҳисоб тенглашганди. Бироқ, жарима зарбасини амалга оширган исроилликлар тўп киритган вазиятда Дилёр Эрматовга нисбатан қўполлик ишлатишди ва ҳакам голни инobatта олмади. Орадан икки дақиқа ўтиб, вакилларимиз қарши ҳужумни голга айлантиришди. Ойбек Қиличев иккинчи голга муаллифлик қилди. Ушбу гол ўйиндаги сўнггиси бўлиб қолди ва Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси иккинчи ўйинида галабани тантана қилди.

**ИСРОИЛ (U-21) - ЎЗБЕКИСТОН (U-21) - 0:2 (0:1)**

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси 3 июнь кунини Голландия олимпиада терма жамоаси билан ўйнайди.

**Мақсудали ҚАМБАРОВ тайёрлади**

# «Мустақил Ватан, муносаиб фарзандинг бўламан!»

Ш.УСМОНОВ,  
Андижон вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

Андижон шахридаги болалар шахарчасида 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан бўлиб ўтган тадбир ана шундай номланди.

— Бу йилги байрам мен учун ниҳоятда ўзгача бўлмоқда, — дейди шахарча фарзанди Муродшер Турсунбоев, — чунки 9-синфни муваффақиятли тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўйиш оstonасида турибман. Мақсадим, юртга муносаиб фарзанд бўлиш.

— Мен ҳарбий бўлмоқчиман, — дейди шахарчанинг яна бир битирувчи фарзанди Иброҳимжон Зайниддинов. — Юрт тинчлигини асрашдек муқаддас ишга ўз ҳиссамни қўшмоқчиман.

Ҳа, шахарча болаларининг

орзулари бир олам. Уларнинг бунга аришишлари учун зарур тамал тоши шахарчадаги ҳаёт давомида қўйила бошланди.

Бўш вақтларидан унумли фойдаланган ўғил-қизлар иқтидорларини тўла намоеён эта олаётганлигини тайёрланган байрам дастуридан ҳам кўриш мумкин.

Шахарча фарзандларининг Она Ватан, мустақиллик, юрт ободлиги ва тинчлиги ҳақидаги шеър, шўх қўшиқ ва рақслари иштирокчи ва меҳмонларга манзур бўлди.

Байрам тадбирига Ўзбекистонда хизмат қўсатган артист Озодбек Назарбоев ва вилоятдаги ёш санъаткорлар ташриф буюриб, шахарча фарзандларини ва битирувчиларини байрам билан қутладилар.

# Фахрийлар билан учрашув

Жорий йилнинг 26 май кунини Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари тингловчиларининг ҳуқуқ-тартибот соҳасига узоқ йиллар меҳнат қилган, кўп йиллик соҳавий тажрибага эга бўлган прокуратура фахрийлари Р.Ҳакимов ва С.Норҳўжаевлар билан учрашувини бўлиб ўтди.

Учрашув иштирокчиларидан бири прокуратура фахрийси Р.Ҳакимов 40 йилга яқин прокуратура органларида турли масъулиятли лавозимларда самарали фаолият юритиб, эл-юрт ишончини қозонган инсонлар сирасидан. Рустамбек Рауфовичнинг кўп йиллик меҳнатлари Республика Бош прокуратураси раҳбарияти томонидан муносаиб баҳоланиб, "Ўзбекистон Республикасининг прокуратураси фахрий ходими" кўкрак нишони билан тақдирланган. Айни пайтда Р.Ҳакимов Ўзбекистон прокуратура органлари фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази Тошкент шаҳар худудий бўлими раиси вазифасида фаолият юритиб келмоқда.

Иштирокчилардан яна бири Султонмурод Ҳожибоевич ҳам 40 йилга яқин прокуратура органларида турли масъул лавозимларда хизмат қилиб, ҳамкасблари ва халқ хурматиға сазовор бўлган фахрий прокурорлардан ҳисобланади. С.Норҳўжаевнинг меҳнатлари Республика Бош прокуратурасини раҳбарияти томонидан муносаиб баҳоланиб, "Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг фахрий ходими" кўкрак нишони билан мукофотланган. Султонмурод акадан меҳнатсеварликни, касбга садоқатни ўрганган шогирдлари бугун у кишидан миннатдорлар.

Фахрий прокурорлар тингловчиларга ўзларининг меҳнат фаолияти ҳақида гапириб, уларга иш жараёнида керак бўладиган фойдали маслаҳатларини беришди.

Учрашувда, шунингдек, Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази раиси Б.Калонов ҳамда унинг ўринбосари М.Шарафуддиновлар иштирок эттишди.

Кизиқарли савол-жавоблар тарзида ўтган учрашув тингловчиларда илиқ таассуротлар қолдирди.

Ўз мухбиримиз

## Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази Олий ўқув курслари кафедра мудири Бахтиёр Пўлатовга онаси **Мусабаъия** аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдилади

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази, Тошкент вилоят прокуратураси ҳамда Ўзбекистон Транспорт прокуратураси жамоалари прокуратура фахрийси **Маҳмуд АЛИМЖОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан унинг оида аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади

## Huquq

юрidik gazeta

**Muassis:**  
**O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi**

**Bosh muharrir:**  
**Jahongir MAKSUMOV**

**Tahrir hay'ati:**  
Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV,  
Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G'OIPOV,  
Svetlana ORTIQOVA,  
Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari),  
Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)

**Tahririyat manzili:**  
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.  
**Telefon:** 233-98-40,  
233-10-53  
**Faks:** 233-10-53,  
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.  
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar teqriz qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.  
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.  
«HUQUQ» materiallarini ko' chirib boshish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.  
□ — tijorat materiali.  
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi  
**231**

Buyurtma j-1920. 52 556 nusxada basildi.  
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.  
Navbatchi muharrir: D.XALILOV  
Musabahi: M.DAMBAROV  
Navbatchi: O'.DEHQONOV  
Bosmonxonaga topshirish vaqti: 22.00.  
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.  
Korxonaga manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yatga olingan.  
ISSN 2010-7617  
4 772 010 76 1004